

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ
ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИ

«Сув хўжалигини бошқариш ва унинг иқтисодиёти» кафедраси

**"КИЧИК БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИК"
фанидан семинар ва амалий машғулотлар
ўтказиш бўйича**

МЕТОДИК ҚЎЛЛАНМА

Тошкент – 2007

Ушбу методик қўлланма институт Илмий-услубий кенгашининг 2007 йил 13 июнда бўлиб ўтган 8 – сонли мажлисида кўриб чиқилди ва чоп этишга тавсия этилди.

Ушбу методик қўлланма 5340900 - «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» бакалавриат йўналишида таълим олаётган талабаларга мўлжалланган. Унда кичик бизнес ва тадбиркорлик фанидан дарснинг мақсади, мазмуни, амалий машғулоти бўйича топшириқлар ва уларни бажариш бўйича услубий кўрсатмалар, мустақил ишларни бажариш бўйича тавсиялар ҳамда тавсия этиладиган адабиётлар берилган.

Методик қўлланмада тадбиркорлик моҳияти, тадбиркорлик муҳити ва тадбиркорлик фаолияти субъектлари, тадбиркорлик фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий шакллари, кичик тадбиркорлик, хусусий бизнесни яратиш ва ривожлантириш, кичик бизнес фаолиятини молиявий таъминлаш, кичик бизнесда бизнес-режалаштириш, кичик бизнеснинг иқтисодий жиҳатлари тадбиркорлик ташкилоти фаолиятини тўхтатиш каби долзарб масалалар батафсил баён этилган.

Тузувчи:

Дусмуратов Ғ.Д., доцент

Такризчилар:

И.Э. Рафиқов – Ўзбекистон бозор
ислохотлари илмий-тадқиқот институти
лойиҳа раҳбари, и.ф.н.

Ш.Эргашева – доцент

Кириш

Мамлакатимизда иқтисодий ислохотлар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Бозор иқтисодиётига асосланган янги иқтисодий, молиявий, ижтимоий ва бошқа муносабатларнинг шаклланиши ва ривожланиши ислохотларнинг натижаси ҳисобланади. Бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлар (жамоа ва якка) асосий хўжалик юритувчи субъект ҳисобланади.

Методик қўлланма “Кичик бизнес ва тадбиркорлик” фани дастурига мувофиқ тайёрланди. Ривожланган мамлакатларда йиғилган тажрибалар ва мамлакатимиздаги тадбиркорлик тажрибасини ҳисобга олган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини тартибга соладиган фуқаролик қонунчилигини қўллаш, тадбиркорликнинг барча тизими моҳиятини белгиловчи асосий тушунча ва терминлар методик қўлланмада баён қилинган. Бу талабаларга ва бошқа ўқувчиларга нафақат тадбиркорлик фаолияти тўғрисида, балки бозор иқтисодиётида уни ташкил этиш шароитлари ва омиллари тўғрисида тасаввурга эга бўлишга имкон беради. Турли ташкилий-ҳуқуқий шаклларда ўз хусусий ишини яратиш жараёни, тадбиркорлик ғояси вужудга келишидан бошлаб то тадбиркорлик ташкилоти фаолият кўрсатиш механизми билан тугаллангунгача, истеъмолчилар, хўжалик юритувчи ҳамкорлар, ёлланма ишловчилар, давлат ва бошқалар билан алоқалари ҳам қараб чиқилган.

Қўлланма “Кичик бизнес ва тадбиркорлик” фанининг барча мавзуларини қамраб олган ва ушбу курснинг дарсликларига ёрдам кўргазмали материал ҳисобланади. Кўргазмали таъсирлашга мойил барча материаллардан асосийлари танлаб олинди. Қўлланмани яратишда методик, меъёрий ва бошқа тегишли ҳужжатлардан кенг фойдаланилган. Қўлланмани нашрга тайёрлаш даври иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг янги босқичига тўғри келади. Тадбиркорлик фаолиятининг айрим муаммолари ҳозирги вақтда ҳал этилмаган, уларнинг бир қисми эса такомиллаштиришни талаб этади. Шунинг учун қўлланмадан тадбиркорлик назарияси ва амалиёти соҳасидаги юз бераётган ўзгаришларни ҳисобга олиб фойдаланиш лозим.

Қўлланмани ушбу фан бўйича дарсликларга қўшимча кўргазмали материал, хусусан, яхши тасвирланган схемалар, жадваллар сифатида маъруза машғулотлари самарадорлигини оширади ҳамда талабаларга семинар ва амалий машғулотларга, рейтинг назоратларига мустақил тайёрланишга ёрдам беради.

1-Мавзу:Тадбиркорлик моҳияти

Дарсининг мақсади: Фаннинг предмети ва вазифаларини , унинг бошқа иқтисодий фанлар тизимидаги ўрнини ҳамда иқтисодчи-менежерлар тайёрлашдаги аҳамиятини тушунтириш. Тадбиркорлик тушунчасига бўлган ҳар хил ёндошувларнинг фарқини тушуниш.

Асосий саволлар

1. Тадбиркорлик моҳияти.
2. Қонун ҳужжатларида тадбиркорлик моҳияти тарифи.
3. Тадбиркорлик ҳодиса ва жараён сифатида.
4. Тадбиркорлик функциялари. Тадбиркорликнинг таснифий белгилари.
5. Тадбиркорлик типлари ва турлари.

Дарсининг мазмуни

XVIII-XIX асрларда олимларни тадбиркорлик тўғрисидаги қарашларини таҳлил қилиш энг муҳим ҳулосалардан бирини қилишга имкон беради. Уларда тадбиркорлик, тадбиркорлар тўғрисида ҳозир ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган фундаментал ҳолатлар мавжуд. Бир вақтнинг ўзида тадқиқ этилаётган масалаларга кенг қўламда қарашлар мавжудлигини таъкидлаш мумкин. Ўз асарларида ушбу олимлар тадбиркорларнинг иқтисодий фаолиятидаги моҳияти ва ролига илмий-амалий таърифлар берган. XIX асрнинг бошларидаёқ уларнинг ишларида тадбиркорликнинг иқтисодий, ташкилий ва психологик белгилари ажратилган, кейинчалик унинг асосий функцияларига шаклини ўзгартирган. Ўша вақтдаёқ XIX асрда иқтисодчи олимлар тадбиркорликнинг инновацион характерини кўрсатишган. Бу нуқтаи назар XX асрда, хусусан 2-ярмида кенг фойдаланилмоқда.

Ўзбекистонда тадбиркорликни ривожлантириш учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга классик иқтисодий таълимот тарихидан кўпчилик нуқтаи назарлардан энг асосийларини танлаб олиб қисқача ҳулосаларни ифода этишга ҳаракат қиламиз (1-жадвал).

Замонавий тадбиркорликни ривожлантириш учун XVIII-XIX аср иқтисодчи олимларининг ҳулосалари муҳим аҳамиятга эга. Тадбиркор – бу капитал эгаси, хусусий иш эгаси, уни бошқарадиган баъзан кўпинча хусусий капитал (иш) фаолият кўрсатиши биринчи босқичида мулкдор функциясини шахсий ишлаб чиқариш меҳнат фаолияти билан қўшиб олиб боради. Уларнинг асарларида келтирилган тадбиркорлик мотивлари – маҳсулот ишлаб чиқариш (ишлар бажариш) ва уларни истеъмолчиларга уларнинг талабига мос равишда реализация қилиш йўли билан фойда (даромад) олишни – тадбиркорликнинг умумиқтисодий асос сифатида қараш мумкин. Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш жараёнида вужудга келиши мумкин бўлган энг аввало ушбу фаолият бошланишининг ноаниқлиги билан

юзага келадиган барча риск турларини ўз зиммасига оладиган хўжалик юритувчи субъект сифатидаги тадбиркорнинг таърифи долзарбдир.

Шундай қилиб классик иқтисодий назария асосларини тадбиркорликнинг энг муҳим хусусиятларидан бирини – бу фаолиятнинг риск характерини биринчи бўлиб аниқладилар. Шунинг учун тадбиркорлик лойиҳаларини амалга оширишда муваффақиятларга эришиш учун рискнинг олдиндан кўра билиш ва уни оқибатларини оғохлантириш бўйича тадбирларини олдиндан ишлаб чиқиш зарур. Мана нима учун тадбиркорлик фаолиятида фақат иқтисодиётнинг аниқ тармоқларидаги мутахассислар билимли, ақлли, фаол, интизомли, шахсий сифатларга эга одамлар муваффақиятларга эришиши тўғрисидаги олимларнинг фикри шунчалар муҳимки, чунки бизнесни юритиш учун албатта вужудга келадиган ноқулай шароитларни бартараф этиш имконини берадиган яъни қаршиликларни енга оладиган инсонларгина тадбиркорлик билан шуғуллана оладилар.

Классиклар асарларида тадбиркорликнинг новаторлик инновацион функциялари тўғрисидаги нуқтаи назарлар баён қилинган. Шу муносабат билан олимларнинг тадбиркорлик муҳотида рақобатни ривожлантириш тўғрисидаги, монополистик фаолиятни чеклаш тўғрисидаги, ҳамда давлатни эркин тадбиркорлик фаолиятига аралашуви, тадбиркорликнинг солиқ, бож тўлови, фоиз ва бошқалар каби тартибга солувчилар роли тўғрисидаги хулосалари катта аҳамиятга эга бўлади.

XX-асрнинг охириги ўн йиллигида турли хил касбдаги олимлар (иқтисодчилар, файласуфлар, психологлар, социологлар ва бошқалар) тадбиркорлик назариясини ривожлантиришга, унинг моҳияти ва характеристикасига, мамлакат иқтисодий ривожланишидаги ролига жиддий эътибор қаратган. Доимо ўз бизнесига муваффақиятга эришган тадбиркорларнинг шахсий характеристикаси жиддий тадқиқ қилинди. Тадбиркорлик лойиҳаларини амалга ошириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилди. Халқаро конференциялар ўтказилди. Тадбиркорликни ўқитиш кенг ривожлантирилди. Кўпчилик мамлакатларда тадбиркорликни хусусан, кичик бизнесни қўллаб-қувватлашда давлатнинг роли янада кўпроқ кучайди.

XX -асрнинг иккинчи ярми – бу кўпчилик ғарб мамлакатларини амалий цивилизацияланган тадбиркорликни ривожлантириш давридир. Ривожланган бозор иқтисодиётида тадбиркорлик ташкилотлари (фирмалар, компаниялар) уй хўжалиги ва давлат билан бир қаторда муҳим хўжалик юритувчи субъект ҳисобланагини назарда тутиб шу вақтнинг ўзида ушбу долзарб масалага таниқли олимлар мурожаат қилади.

Тадбиркорлик фаолияти (тадбиркорлик) – тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, таваккал қилиб ва ўз мулкый жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускор фаолият. (*“Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни, 2000 йил 25 май*)

“Антрепренер” терминининг ривожланиши.

Ўрта асрларда: парадлар ва мусикали томошаларни ташкил этувчи; йирик кўламли қурилиш ёки ишлаб чиқариш лойиҳаларини бажаришга жавобгар шахс.

XVII асрда: давлат билан қиймати олдиндан келишилган контракт тузган шахс. Бундай киши контракт шартини бажаришга бутун молиявий жавобгарликни ўз зиммасига олади, лекин агар уни кам харажатга қила олса, унда фарқини у ўзига ўзлаштиради.

1725 й. Ричард Кантильон (Richard Cantillon): тадбиркор – бу риск шароитида ҳаракат қилувчи кишидир; капитални тақдим этиш функцияси тадбиркорлик функциясидан фарқ қилади.

1797 й. Бодо (Beaudeau): қилинаётган ишга жавобгар шахс; корхонани режалаштирадиган, назорат этадиган, ташкил қиладиган ва эгалик қиладиган одамдир.

1803 й. Жан Батист Сей (Jean Baptiste Say): капиталдан олинадиган даромад тадбиркорлик даромадидан фарқ қилади.

1876 й. Фрэнсис Уокер (Fransis Walker): капитални тақдим этиб, унга фойиз олувчилар ва ўз ташкилотчилик қобилиятлари шарофати билан фойда оладиганларни фарқлаш лозим.

1934 й. Джозеф Шумпетер (Joseph Schumpeter): тадбиркор – бу янги технологиялар ишлаб чиқадиган новатордир.

1961 й. Дэвид Макклелланд (David McClelland): тадбиркор – бу сезиларли риск шароитида ҳаракат қиладиган ҳаратчан одам.


1964 й. Питер Друкер (Peter Drucker): тадбиркор – бу ҳар қандай имкониятни максимал фойда билан фойдаланадиган одамдир.

1975 й. Альберт Шапиро (Albert Shapiro): тадбиркор – бу ташаббус кўрсатадиган, ижтимоий иқтисодий механизмларни ташкил этадиган одамдир. Риск шароитида ҳаракат қилиб, у мумкин бўлган муваффақиятсизликка тўлиқ жавобгарликни ўз зиммасига олади.

1980 й. Карл Веснер (Karl Vesper): тадбиркор иқтисодчи, психолог, бошқа тадбиркорлар ва сиёсатчилар нигоҳида турли хил бўлади.

1983 й. Гиффорд Пинчот (Gifford Pinchot): интрепренер ва антрепренер: интрепренер – бу янги корхона яратадиган антрепренер-тадбиркордан фарқли, мавжуд корхона шароитида ҳаракат қиладиган антрепренер.

1985 й. Роберт Хизрич (Robert Husrich): тадбиркорлик – бу қийматга эга янги ниманидир яратиш жараёнидир, тадбиркор эса – буларнинг ҳаммасига зарур вақт ва куч сарфлайдиган, мукофотга пул ва эришилган ютуқдан қониқиш олиб, бутун молиявий, психологик ва ижтимоий рискни ўз зиммасига оладиган одамдир.



2-жадвал

Тадбиркорлик классификацияси

Характерли белгилари	Элементлари
Мулк шакли	Хусусий
	Давлат
Қонунийлиги	Қонуний
	Ноқонуний
	Ёлғон
Худудий қамрови	
Ҳар хил ҳудудларда тарқалиши	Маҳаллий
	Минтақавий
	Миллий
	Халқаро
	Жаҳон
Иштирокчилар (таъсисчилар) сони	Якка
	Жамоа
Таъсисчилар таркиби	Аёлларники
	Ёшларники
Ходимлар сони ва айланиш ҳажми	Кичик
	Ўрта
	Йирик
Ўсиш мароми ва фойдалилик даражаси	Тез ўсувчи
	Секин ривожланувчи
	Юқори рентабелли
	Паст рентабелли
Янгиликлардан фойдаланиш даражаси	Инновацион Анъанавий

Амалий машғулот бўйича топшириқ

Бизнесни баҳолаш кўрсаткичларини ҳисоблаш.

Амалий машғулот бўйича услубий кўрсатмалар

Баҳолаш фаолияти амалиётида қўлланиладиган кўплаб усуллар бор. Уларни баъзи истиснолар билан харажат (мулкӣ), қиёсий (бозор) ва даромад ёндашувларга асосланган учта гуруҳга бирлаштириш мумкин. Ушбу усулларнинг номлари уларнинг моҳиятини англатади. Харажатлар (мулкӣ) ёндашув худди шундай янги бир корхонани (бизнесни) ташкил қилишга сарфланадиган активлар ва харажатларни баҳолашга асосланган усулларни ўз ичига олади.

Солиштирма (бозор) ёндашув баҳоланаётган корхонанинг қийматини бошқа ўхшаш корхоналарнинг қиймати билан солиштиришга асосланган. Солиштирма таҳлил учун бир қатор мультипликаторлардан фойдаланилади

Даромад ёндашуви келгуси даромадларни дисконтлашга асосланган баҳолаш усулларини ўз ичига олади:

- дисконтланган келгуси даромад;
- дисконтланган келгуси пул оқими;
- меъёрланган фойданинг капитализацияси;
- меъёрланган пул оқимининг капитализацияси;
- ортиқча фойда усули;
- ўз-ўзини қоплаш даври усули;
- ички қайтим ставкаси усули

Корхонанинг қийматини баҳолашда иштирокнинг назорат характеридан келиб чиқадиган чегирмалар билан корхонанинг ликвид эмаслиги билан боғлиқ чегирмаларни бир-бири билан адаштириб юбормаслик керак. «Назорат иштироки» атамаси баҳоланаётган иштирокнинг қиймати билан бутун корхонанинг қиймати ўртасидаги нисбат билан боғлиқ. Санаб ўтилган баҳолаш усулларида алоҳида фойдаланилмайди, балки улар бир-бирини тўлдириб туради, яъни корхонани баҳолаш учун одатда турли ёндашувларга асосланган бир неча усуллардан фойдаланилади. Шундан сўнг турли усуллар ёрдамида олинган баҳолаш натижалари якуний баҳолаш учун ўзаро солиштирилади. Аммо баъзи усуллар айрим турдаги қийматларни баҳолаш учун нисбатан афзалроқдир.

Мустақил ишни бажариш бўйича тавсиялар

Мустақил иш «Ўзбекистонда тадбиркорликни ривожлантириш йўллари» мавзусида бажарилади ва унда қуйидаги саволлар кўриб чиқилади:

Кириш

1. Мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда тадбиркорлик роли ва аҳамияти.

2. Ўзбекистонда тадбиркорликни ривожлантириш имкониятлари.
3. Экспорт салоҳиятини оширишда тадбиркорликнинг ўрни.
4. Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг устивор йўналишлари.

Хулоса

Адабиётлар

2-Мавзу: Тадбиркорлик муҳити ва тадбиркорлик фаолияти субъектлари.

Дарснинг мақсади: Тадбиркорлик муҳити моҳиятини тушунтириш ҳамда унинг ички ва ташқи муҳити элементларини ўзлаштириш. Тадбиркорлик субъектлари тарифини ўрганиш. Тадбиркорларнинг туғма ва тажриба ҳамда билим орқали орттириладиган шахсий сифатларини фарқлаш.

Асосий саволлар

1. Тадбиркорлик муҳити моҳияти.
2. Иқтисодий эркинлик – тадбиркорлик муҳитининг етакчи элементидир.
3. Ташқи тадбиркорлик муҳити. Бозор – тадбиркорлар фаолият қилиш муҳити.
4. Ички тадбиркорлик муҳити.
5. Жисмоний шахслар – тадбиркорлик субъектлари. Юридик шахслар – тадбиркорлик субъектлари.
6. Тадбиркорларнинг шахсий сифатлари

Дарснинг мазмуни

Тадбиркорлик муҳити деганда лаёқатли фуқароларнинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун иқтисодий эркинликни таъминловчи барча бозор субъектлари эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган мамлакатда мавжуд қулай ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, фуқаролик-ҳуқуқий, ҳолатларни тушуниш лозим.

Тадбиркорлик ташқи муҳити:

- Мамлакатда ва ҳудудларда иқтисодий ҳолат;
- Жамият ва давлат барқарор ривожланишини тавсифловчи сиёсий ҳолат;
- Тадбиркорлар ва бошқа бозор иқтисодиёти субъектларининг ҳуқуқ, мажбуриятлари, жавобгарлигини аниқ белгиловчи ҳуқуқий муҳит;
- Тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш;

- Аҳолининг (истъемолчилар) тўлов қобилиятига эга талаби даражаси, ишсизлик даражаси билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий ҳолат;
- Тадбиркорлик бизнесининг маълум бир тури билан шуғулланиш имкониятини таъминловчи аҳоли маълумоти даражасини тақозо этган маданий муҳит;
- Илмий-техник, технологик муҳит;
- Фаолиятнинг маълум турларни ривожлантириш учун зарур ишлаб чиқаришнинг табиий омиллари миқдорининг етарли даражада мавжудлиги;
- Тадбиркорлик ташкилотлари фаолият кўрсатиш жараёнига таъсир этувчи иқлим (об-ҳаво) шароитлари билан боғлиқ физик муҳит;
- Табиий бўҳронларнинг йўқлиги;
- Тижорат операцияларини, ишбилармонлик алоқаларини амалга ошириш имкониятимни таъминловчи етарли сондаги ташкилотлар мавжудлиги тўғрисида гувоҳлик берувчи институционал-ташкилий муҳит ва ҳақозо.

Тадбиркорлик ички муҳити:

- Зарур хусусий капитал ҳажми мавжудлиги;
- Корхона ташкилий-ҳуқуқий шаклини тўғри танлаш;
- Фаолият предметини танлаш;
- Ҳамкорлар командасини танлаш;
- Бозорни билиш ва маркетинг тадқиқотларини малакали ўтказиш;
- Кадрларни танлаш ва персонални бошқариш, уни моддий рағбатлантириш;
- Тадбиркорлик сирини сақлаш механизми ва бошқалар.

Фуқаролар (жисмоний шахслар) деганда Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, бошқа давлатларнинг фуқаролари, шунингдек фуқаролиги бўлмаган шахслар тушунилади.

Ўз мулкига, хўжалик юритишида ва оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, ўз номидан мулккий ёки шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўла оладиган ва уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилот *юрidik шахс* ҳисобланади.

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари ҳуқуқлари

- Қонун ҳужжатларига мувофиқ ўзига тегишли мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш;
- Мустақил равишда ишлаб чиқариш дастурини шакллантириш, маҳсулот етказиб берувчиларни ва ўз маҳсулотининг (ишлари, хизматларининг) истъемолчиларини танлаш;
- Тадбиркорликдан чекланмаган миқдорда даромад(фойда) олиш ва уни ўз ихтиёрига кўра тасарруф этиш, товарлар (ишлар, хизматлар)

бозорида устун мавқени эгаллаб турган тадбиркорлик фаолияти субъектлари бундан мустасно;

- Ўз маҳсулотини (ишлари, хизматларини), ишлаб чиқариш чиқиндиларини бозор конъюнктурасидан келиб чиқиб, мустақил равишда белгиланадиган нархлар ва тарифлар бўйича ёки шартнома асосида реализация қилиш, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;
- Бинолар, иншоотлар, ускуналар ва бошқа мол-мулкни олиш ва (ёки) ижарага олиш, шу жумладан лизинг йўли билан;
- Белгиланган тартибда ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш.

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари мажбуриятлари

- Ўзлари тузган шартномалардан келиб чиқадиган шартномаларни бажаришлари;
- Ёллаш асосида жалб этилган ходимлар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилишлари;
- Хавфсизлик, экология, санитария, гигиена, ва меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига риоя этишлари;
- Реализация қилинадиган товарлар учун қонун ҳужжатларига мувофиқ сертификатларга эга бўлишлари;
- Почта манзили ва бошқа реквизитлари ўзгарганлиги тўғрисида тегишли давлат органларини ўз вақтида хабардор қилишлари;
- Бухгалтерия, тезкор ва статистика ҳисобини қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ юритишлари;
- Ўз фаолиятлари тўғрисидаги ҳисоботларни тегишли органларга белгиланган тартибда ва муддатларда тақдим этишлари шарт.

Тадбиркорларнинг шахсий сифатлари

- 1) энергия, ишлашга мажбур қила билиш;
- 2) ўйлашни билиш;
- 3) одамлар билан ўзаро алоқаларни ўрнатиб билиш;
- 4) коммуникабеллик;
- 5) техника ва технологияни билиш

Улгурувчи тадбиркор бўлиши учун инсон қандай шахсий сифатлар йиғимига эга бўлиши лозимлиги тўғрисидаги саволга бир хил жавоб мумкин эмас, аммо маданий тадбиркорликни ривожлантиришнинг тарихий тажрибаси айрим умумлаштиришларни ташкил қилишга имкон беради. Демак, маданиятли ва улгурувчи тадбиркорлар қуйидаги белгиларга эга бўлиши лозим: виждонли, компетентли, мақсадга интилувчанли, ташаббускор, пешқадамлик юзага чиқариши, бошқалар фикрини ҳурмат қилиши, одамларга позитив ёндошиши, доимо ўқиши, рискни қабул қилишга тайёр бўлиши, атроф муҳит зиддиятларини енгиб ўтишни билиши, қўйилган мақсадларга эришишда қаттиятлик қилиши, жавобгарлик ҳиссига эга

бўлиши, қайсарлик, катта ирода кучига, ижодий бошланишга эга бўлиши, меҳнатсевар бўлиши ва юқори иш қобилиятига эга бўлиши, зарур ҳамкорларни жалб қилишни билиши, тижорат ва молиявий ақллар йиғиндисига эга бўлиши, унга тегишли нарсани қонуний йўл билан олишни билиши лозим (3-жадвал).

3-жадвал.

Қишлоқ хўжалиги тадбиркорининг идеаль модели

Туғма шахсий тавсифлар	Таълим олиш ва амалий фаолият жараёнида эгалланадиган сифатлар
Қишлоқ хўжалиги фаолиятига мойиллик (ерга, ҳайвонларга, табиатга қизиқиш)	Агрономия ва зоотехника асосларини билиш, ишлаб чиқариш техника ва технологиясини билиш (хўжаликнинг ихтисослашувига қараб)
Ўйлаш қобилияти, рискка бориш	Минимум иқтисодий билимларга (бухгалтерия ҳисоби, хўжалик фаолияти таҳлили, менежмент ва маркетинг асослари) эгаллаганлиги
Қишлоқ хўжалик ишлари асосий турларини шахсан бажариш қобилияти	Ахборотга эга бўлишга ҳаракат қилиши (мижозлар, етказиб берувчилар, рақобатдошлар тўғрисида, рақобатдош товарлар бозорлари ҳолати тўғрисида ахборот йиғиш)
Мустақиллик, қийин вазифаларни бажаришда ўз қобилиятига ишониш	Ўз фаолиятини режалаштириб билиш (жорий ва истикболли режалаштириш) Ностандарт, лекин илмий асосланган қарорлар қабул қилиш қобилияти Бозор конъюнктурасини доимо кузатиш, истъемолчилар талабларини билиш

Амалий маиғулот бўйича топшириқ

Бозорни баҳолаш ва истеъмолчилик талабини ўрганиш

Амалий маиғулот бўйича услубий кўрсатмалар

Бозорни баҳолаш ва истеъмолчилик талабини ўрганиш бўйича тадқиқотларнинг асосий йўналишларини тавсифлаймиз.

Бозорни ва сотувни тадқиқ қилиш. У корхонанинг келгуси фаолиятини белгилаш учун бозор шароитлари тўғрисида маълумотлар олиш мақсадида амалга оширилади. Бозорни ва сотувни тадқиқ қилишнинг асосий йўналишлари қуйидагиларни қамоаб олади:

- бозор сиғимини баҳолаш;
- бозорни сегментлаш;
- бозор ўзгаришлари ва ривожланиш тенденциялари таҳлили, хусусан, иқтисодий, фан-техника, демографик, экологик, қонунчилик ва бошқа омилларни таҳлил қилиш;
- бозорнинг фирма структурасини ўрганиш;
- сотув ҳажмини башоарт қилиш.

Бозор сиғимини аниқлаш бозор тадқиқотларининг асосий вазифаси ҳисобланади. товар бозори сиғим деганда товарни сотиш даражаси ва нарх нисбатлари тушунилади. У аҳли талаби ҳажми ва товар таклифи миқдори билан тавсифланади. Бозор сиғими тадқиқотлари кутилаётган сотув ҳажмини башорат қилишга имкон беради.

Бозор сиғимининг икки хил даражаси мавжуд: потенциал ва реал (ҳақиқий). Бозорнинг ҳақиқий сиғими биринчи босқич саналади. Потенциал даража шахсий ва жамият эҳтиёжлари билан белгиланади ҳамда уларга мос келувчи товар сотувини акс эттиради. Реал бозор сиғими потенциал бозор сиғимига мос келмаслиги ҳам мумкин.

Бозор сиғимини баҳолаш натурал ва қиймат ўлчамида ўлчаниб, қуйидаги формулага асосан топилади:

$$БС = ММ + ИХ - ЭХ,$$

бу ерда

БС – бозор сиғими;

ММ – миллий маҳсулот ишлаб чиқариш;

ИХ – импорт ҳажми;

ЭХ - экспорт ҳажми.

Бозорнинг импорт сиғими қуйидагича аниқланади

$$БИС = БС - ММ + МЭ,$$

бу ерда

БИС - бозорнинг импорт сиғими;

МЭ - миллий экспорт, аниқланиши $МЭ = ЭХ - РЭ$;

РЭ – реэкспорт ҳажми.

Нисбий бозор улуши корхонанинг бозордаги улуши ва рақобатчилар улушининг нисбати сифатида аниқланади:

$$НБУ = \dot{УБУ} / РБУ$$

бу ерда

$\dot{УБУ}$ – ўз бозор улуши;

РБУ – рақобатчилар бозор улуши.

Бозорни сегментлаш бир томондан корхонанинг маркетинг фаолияти йўналтирилган бозор қисми ва объектларини аниқлаш, маркетинг элементларининг тўғри йиғиндисини ифодалайди. Бошқача қилиб айтганда бозорни сегментлаш бу кўрсаткичлари ва у ки бу фаолият турига реакцияси бўйича бир-биридан фарқ қилувчи сегментларга ажратишдир.

Истеъмолчиларни тадқиқ қилиш истеъмолчиларни товарни танлашга ундовчи омиллар мажмуини (даромад, ижтимоий ҳолат, ёш структураси, маълумоти ва ҳоказо) аниқлаш ва ўрганишга имкон беради. Якка тартибда истеъмолчилар, оилалар, уй хўжаликлари ҳамда истеъмолчи ташкилотлар бу ерда объект вазифасини бажаради. Тадқиқот предмети истеъмолчиларнинг бозордаги хулқ-атвори ва уни белгилаб берувчи омиллар ҳисобланади. Истеъмол структураси, товарлар билан таъминланганлик, истеъмол талаби тенденциялари ўрганилади.

Мустақил ишни бажариш бўйича тавсиялар

Мустақил иш «Ўзбекистонда тадбиркорликнинг ташкилий, иқтисодий ва ижтимоий муҳитини муҳитини шакллантириш» мавзусида бажарилади ва унда қуйидаги саволлар кўриб чиқилади:

Кириш

1. Тадбиркорлик фаолиятининг ташкилий муҳити.
2. Тадбиркорликнинг иқтисодий шарт-шароитлари ва унинг тадбиркорликни ривожлантиришга таъсири.
3. Ижтимоий муҳит.
4. Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга ташкилий иқтисодий шарт-шароитлар яратиш.

Хулоса

Адабиётлар

3-Мавзу: Тадбиркорлик фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий шакллари

Дарснинг мақсади: Хўжалик ширкати, масъулияти чекланган жамият. қўшимча масъулияти жамият, акционерлик жамияти, ишлаб чиқариш кооперативи, унитар корхоналар, тадбиркорлик ташкилотлари бирлашмалари, оддий ширкат, тадбиркорлик ташкилотлари уюшмалари

(иттифоқлари) моҳияти ва уларнинг бир-биридан фарқини тушуниш; ички фирма тадбиркорлиги тўғрисида тушунчага эга бўлиш.

Асосий саволлар

1. Хўжалик ширкати. Масъулияти чекланган жамият. Қўшимча масъулияти жамият. Акционерлик жамияти.
2. Ишлаб чиқариш кооперативи. Унитар корхоналар. Тадбиркорлик ташкилотлари бирлашмалари.
3. Хусусий корхона. Фермер хўжалиги. Оддий ширкат. Тадбиркорлик ташкилотлари уюшмалари (иттифоқлари). Ички фирма тадбиркорлиги.

Дарсинг мазмуни

Тадбиркорлик фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий шакллари: Хўжалик ширкати, Масъулияти чекланган жамият. Қўшимча масъулияти жамият. Акционерлик жамияти. Ишлаб чиқариш кооперативи. Унитар корхоналар. Тадбиркорлик ташкилотлари бирлашмалари. Тадбиркорлик ташкилотлари уюшмалари (иттифоқлари).

Кичик ва қўшма корхоналарга турли хил ташкилий-ҳуқуқий шаклларда ташкил этилиши мумкин бўлган қонуний ўрнатилган меъзонлар (белгилар) бўйича тижорат ташкилотлари киради.

Бирлашма каби мураккаб тадбиркорлик ташкилотлари турли хил ташкилий-ҳуқуқий шаклларда ташкил этилиши мумкин, лекин амалиётда, қоидага кўра, акционерлик жамияти шаклида таъсис этилади. Мураккаб тадбиркорлик ташкилотларига концернлар, картеллар, консорциумлар, ҳолдинглар, молия-саноат гуруҳлари, пуллар ва бошқалар киради.

Ўзбекистонда Фуқаролик кодексига мувофиқ тадбиркорлик (тижорат) фаолиятининг қуйидаги ташкилий ҳуқуқий шакллари тузилади: хўжалик ширкати ва жамияти, ишлаб чиқариш кооперативи, унитар корхона ва бошқалар.

Хўжалик ширкатлари ва жамиятлари тўлиқ ширкат, коммандит ширкат, масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамият, акциядорлар жамияти шаклида тузилиши мумкин.

Иштирокчилари ўз ўрталарида тузилган шартномаларга мувофиқ ширкат номидан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган ҳамда унинг мажбуриятлари бўйича ўзига қарашли бутун мол-мулк билан жавоб берадиган ширкат тўлиқ ширкат ҳисобланади. Тўлиқ ширкат мулкани шакллантириш манбааси унинг қатнашчилари улушлари ҳисобланади.

Тўлиқ ширкатга устав талаб этилмайди. У таъсис шартномаси асосида тузилади ва фаолият кўрсатади, унга барча қатнашчилар имзо чекадилар. Таъсис шартномасида ширкатнинг номи, жойлашган жойи, унинг фаолиятини бошқариш тартиби, ширкатнинг йиғма капитали миқдори ва таркиби, ҳар бир иштирокчи улушларининг ўзгариш тартиби кўрсатилади. Бу

ерда яна улушларни қўшиш бўйича мажбуриятларни бузганликка тўлиқ ширкат иштирокчилари жавобгарлиги тўғрисида маълумот берилади.

Тўлиқ ширкат фойда ва зарари унинг иштирокчилари ўртасида уларнинг йиғма капиталдаги улушига қараб пропорционал тақсимланади. Солиқ миқдорини аниқлаш учун ҳар бир иштирокчи фойдадаги ўз улушини ўзининг мавжуд даромадига қўшади ва шу суммадан солиқ тўлайди.

Тўлиқ ширкат иштирокчилари ширкат мажбуриятлари бўйича ўз мол-мулки билан солидар жавобгар бўладилар.

Коммандит ширкатда сал бошқачароқ ҳолат. “Коммандит ширкати” тўлиқ иштирокчилари билан бир қаторда ширкатнинг қарзлари бўйича ширкат фондига қўшилган ҳиссаси миқёсида жавоб берадиган иштирокчилардан (коммандитлардан) иборат.

Коммандитчилар ширкат томонидан тадбиркорлик фаолияти амалга оширишда қатнашмайдилар. Коммандит ширкати ишончга асосланган ширкат номи билан ҳам аталади.

Ишончга асосланган ширкат, тўлиқ ширкат каби уставга эга эмас. У барча тўлиқ иштирокчилар имзо қўядиган шартнома асосида тузилади ва фаолият кўрсатади.

Тадбиркорлик (тижорат) корхоналарининг кейинги гуруҳи – хўжалик жамиятлари: масъулияти чекланган жамият, қўшимча масъулиятли жамият, акциядорлик жамияти, шўъба ва қарам хўжалик жамиятлари.

Ўзбекистонда иқтисодиётнинг бозор муносабатларига ўтишдаги ҳозирги босқичида масъулияти чекланган жамиятлар (МЧЖ) кенг тарқалди. Бундай жамият бир ёки бир нечта шахслар томонидан таъсис этилади. Унинг устав капитали таъсисчилар ҳужжатларида аниқланган улуши миқдорига бўлинади. Масъулияти чекланган жамиятнинг мажбуриятлари бўйича унинг иштирокчилари жавоб бермайдилар. Улар жамият фаолияти билан боғлиқ зарар учун ўзлари қўшган ҳиссалари қиймати доирасида жавобгардирлар. Масъулияти чекланган жамиятдан фарқли қўшимча масъулиятли жамият иштирокчилари унинг мажбуриятлари бўйича ўз мол-мулклари билан қўшган ҳиссалари қийматига нисбатан ҳамма учун бир хил бўлган, жамиятнинг таъсис ҳужжатларида белгиланадиган қаррали миқдорда солидар тарзда субсидиар жавобгар бўладилар. Демак, жамият мажбуриятлари бўйича ҳамма иштирокчилар шериклик (солидар) асосида қаррали миқдорда бир текисда қўшимча (субсидиар) жавобгар бўладилар. Бунда иштирокчилардан биронтаси банкрот бўлса, жавобгарлик бошқа иштирокчилар ўртасида уларнинг ҳиссаларига мутаносиб равишда тақсимланиши ҳам назарда тутилади.

Замонавий шароитларда тадбиркорликнинг кенг тарқалган шакли акционерлик жамиятлари ҳисобланади. Уларнинг кўпчилиги давлат ва маҳаллий корхоналарни хусусийлаштириш йўли билан яратилади. Акционерлик жамиятида унинг устав фонди муайян миқдордаги акцияларга бўлинган бўлади. унинг иштирокчилар акционерлик жамиятининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайдилар, лекин жамият фаолиятини амалга оширишдан келиб чиққан зарарлар учун уларнинг акциялари қиймати

доирасида жавобгар бўладилар. Жамиятнинг мажбурияти бўйича акционернинг жавоб бериши ҳақида ҳам қоида назарда тутилади. Бундай қоида акциялар ҳақини батамом тўламаган акционерларга таалуқлидир. Улар ўзларига қарашли акциялар қийматининг тўланмаган қисми доирасида жамият мажбурияти бўйича биргаликда жавобгар бўладилар.

Акционерлик жамияти очик ва ёпиқ бўлиши мумкин. очик жамият иштирокчилари ўзларига тегишли акцияларни қолган акционерларнинг розилигисиз бошқа шахсларга беришлари мумкин. бундай жамият ўзи чиқарган акцияларга очик обуна ўтказишга ва уларни эркин сотишга ҳақлидир. Ёпиқ жамиятнинг ОАЖдан фарқи, унда акциялар фақат ўзининг таъсисчилари (иштирокчилари) орасида ёки олдиндан белгилаб қўйиладиган бошқа шахслар доирасида тақсимланади. Бундай жамият ўзи чиқарган акцияларга очик обуна ўтказишга ёки уларни сотиб олиш учун чекланмаган шахслар доирасида бошқача тарзда тавсия этишга ҳақли эмас. ЁАЖ акциялари ушбу жамиятнинг бошқа акционерлари сотадиган акцияларни сотиб олишда устивор ҳуқуққа эга.

ФКда шўъба ва қарам корхоналарга қуйидаги тариф берилган. Устав фондига ҳисса қўшишда хўжалик жамиятида иштирок этган жамият шўъба хўжалик жамияти дейилади. Устав фондида иштирок устун мавқега эга бўлган хўжалик асосий хўжалик дейилади. Хўжаликларнинг шўъба ва асосий даражага эга бўлиши улар ўртасида тузилган шартномалар асосида ёки бири иккинчисининг қарорларига мувофиқ иш тутишибилан ҳам ифодаланади.

Қарам хўжалик жамиятлари анча бошқа иқтисодий статусга эга. Хўжалик жамиятида қатнашувчи жамиятнинг бири 20 %дан кўпроқ ёки масъулияти чекланган жамиятнинг устав фондининг йигирма фоизидан кўпроғига эга бўлса, иккинчи жамият қарам хўжалик жамияти дейилади. Бундай жамият ҳам юридик шахс ҳисобланади.

Тадбиркорлик корхоналарининг ўзига хос ташкилий ҳуқуқий шаклларида бири ишлаб чиқариш кооперативлари ҳисобланади. Фуқароларнинг шахсий иштирок этиш ҳамда аъзоларнинг иштирокчиларнинг мулк билан қўшиладиган пай бадалларини бирлаштириш асосида биргаликда ишлаб чиқариш ёки бошқа хўжалик фаолиятини олиб бориши учун аъзолик негизида ихтиёрий бирлашмаси ишлаб чиқариш кооперативи ҳисобланади.

ЎЗРда кооперация жисмоний ва юридик шахсларнинг турли хил иқтисодий ва ижтимоий фаолият соҳаларида умумий мақсадларга эришиш учун ташкилий расмийлаштирилган ширкат (жамоа) мулки шаклига асосланган ўз хохиши билан бирлашуви (кооперативлар)ни ўзида акс эттиради.

Унитар корхоналар тадбиркорлик корхоналари ўртасида алоҳида ўрин эгаллайди. Ўзи мулк эгаси бўлмасдан унга мулкдор томонидан берилган мулк асосида фаолият юритувчи тижоратчи ташкилот унитар корхона ҳисобланади.

Унитар корхонанинг мол-мулки бир бутун бўлиб, бўлинмасдир ва унга қўшилган ҳиссалар (улушлар, пайлар) корхона ходимлари ўртасида ҳам тақсимланмайди.

Унитар тарзда фақат давлат ва муниципал корхоналар тузилиши мумкин. унитар корхонанинг мол-мулки давлат ёки маҳаллий ҳокимиятнинг мулки ҳисобланиб, унга хўжалик юритиш ёки оператив бошқариш ҳуқуқи билан берилади. Хўжалик юритиш ҳуқуқига эга корхона мулкдор ва ваколатли органнинг қарорига мувофиқ, оператив бошқариш ҳуқуқига эга корхона ЎзР мулки асосида Ўзбекистон ҳукумати қарорига асосан ташкил этилади.

Хусусий тадбиркорлик - хўжалик юритишнинг шундай ташкилий ҳуқуқий шакли-ки, унда мулк эгаси битта шахс ёки оила булади ва фаолиятдан келган даромадни ҳаммасига эгалик қилади, бизнесдаги хавф-хатар ва таваккалчилик учун яқка ўзи жавоб беради.

Амалий машғулот бўйича топшириқ

Фермер хўжалиги уставини тузиш.

Амалий машғулот бўйича услубий кўрсатмалар

Фермер хўжалигининг Намунавий устави Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги 476-сонли қарори билан тасдиқланган. У 12 қисмдан иборат бўлади. Умумий қоидалар қисмида фермер хўжалигининг ҳуқуқий асослари номи, жойлашган жойи ва ихтисослашуви, шунингдек, хўжалик муассисининг паспортига оид маълумотлар кўрсатилади.

Иккинчи қисми фермер хўжалигининг мақсади, вазифалари ва фаолияти деб номланади. Унда фермер хўжалиги мақсади ва вазифалари фаолият соҳалари баён қилинади.

Учинчи қисми фермер хўжалигининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари деб номланади. Унда фермер хўжалиги юридик шахс сифатида мустақил хўжалик юритувчи субъектнинг барча ҳуқуқлари ва мажбуриятлари келтирилади.

Тўртинчи қисми фермер хўжалигининг устав фонди, мол-мулки ва уни шакллантириш манбалари деб номланади. Унда фермер хўжалигининг мол-мулк, пул маблағлари, қимматли қўғозлар бошқа мол-мулк ёки фермернинг мулк ҳуқуқлари ҳисобига шакллантириладиган устав фонди миқдори кўрсатилади.

Бешинчи қисми фермер хўжалигини бошқариш деб номланади. Фермер – фермер хўжалигининг муассиси, фермер хўжалигининг раҳбари ҳисобланади.

Олтинчи қисми фермер хўжалигида ердан ва сувдан фойдаланиш деб номланади. Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкалари танлов асосида

ижарага берилади. Ижара муддати қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

Еттинчи қисми фермер хўжалигида меҳнат деб номланади. Фермер хўжалигининг фаолияти фермернинг ва меҳнат шартномаси бўйича унда ишловчи шахсларнинг шахсий меҳнатига асосланади.

Саккизинчи қисми фермер хўжалигининг маблағлари ва ҳисоб-китоблари деб номланади. Фермер хўжалиги пул муомаласини юритиш ҳамда пул маблағларини сақлаб туриш ва бу маблағларни эркин тасарруф этиш учун банк муассасасида ҳисоб рақамлари очиш ҳуқуқига эга.

Тўққизинчи даромад (фойда)ни тақсимлаш ва зарарларни қоплаш тартиби деб номланади.

Ўнинчи қисми фермер хўжаликларининг биргаликдаги фаолияти деб номланади. Фермер хўжаликлари ихтиёрийлик асосида бирлашиш, жамиятларга, иттифоқларга, уюшмаларга ҳамда бошқа бирлашмаларга кириш ҳуқуқига эга.

Ўн биринчи қисми фермер хўжалиги фаолияти натижаларини ҳисобга олиш ва назорат қилиш деб номланади. Фермер хўжалиги ўз фаолиятининг натижаларини ҳисобга олиб боради ҳамда маҳаллий статистика ва солиқ органларига белгиланган тартибда ҳисобот тақдим этади.

Ўн биринчи қисми фермер хўжалигини қайта ташкил этиш ва тугатиш деб номланади. Фермер хўжалигини қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Мустақил ишни бажариш бўйича тавсиялар

Мустақил иш «Тадбиркорлик бирлашмалари шакллари ва уларнинг моҳияти» мавзусида бажарилади ва унда қуйидаги саволлар кўриб чиқилади:

Кириш

1. Тадбиркорлик бирлашмалари таърифи ва тушунчаси.
2. Тадбиркорлик бирлашмаларини ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари.
3. Ўзбекистонда иш юритаётган тадбиркорлик бирлашмалари фаолияти.
4. Янги тадбиркорлик бирлашмаларини тузиш истиқболлари.

Хулоса

Адабиётлар

4-Мавзу: Кичик тадбиркорлик

Дарсининг мақсади: Кичик тадбиркорлик аҳамиятини англаш ва унинг иқтисодиётдаги ўрнини тушуниш. Кичик бизнесни ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган муаммоларни ўрганиш. Кичик тадбиркорликнинг давлат томонидан қўллаб-қувваш йўналишлари ва шакллари билан танишиш.

Асосий саволлар

1. Кичик тадбиркорлик субъектлари моҳияти ва аниқлаш меъзонлари.
2. Якка тартибдаги тадбиркор. Кичик тадбиркорликнинг афзалликлари ва камчиликлари.
3. Иқтисодиётда кичик тадбиркорликнинг роли. Кичик тадбиркорликни ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган сабаблар.
4. Кичик тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш йўналишлари ва шакллари. Кичик тадбиркорликни қўллаб қувватлаш инфраструктураси.

Дарсининг мазмуни

Моҳиятан олиб қараганда, дунёнинг барча мамлакатларида, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасида ҳам кичик бизнеснинг ташкил этилиш мақсадлари ва фаолият кўрсатиш асослари деярли бир хил мазмун ва аҳамият касб этади. Бироқ турли мамлакатлар иқтисодиётининг ривожланганлик даражаси ва ўзига хос шарт-шароитларидан келиб чиққан ҳолда улардаги кичик бизнес субъектларини аниқлашда турлича ёндашилади. Бунда асосан кичик бизнес фаолиятини баҳолаш кўрсаткичлари ёки мезонларидан фойдаланилади.

Ўзбекистон Республикасида фақат банд бўлган кишилар сони мезони бўйича кичик бизнес фаолиятини аниқлаш амалиётидан фойдаланилади.

Якка тартибдаги тадбиркор; микрофирмалар: ишлаб чиқариш тармоқларида 20 кишигача; хизмат кўрсатиш ва ноишлаб чиқариш соҳасининг бошқа тармоқларида 10 кишигача; улгуржи, чакана савдо ва умумий овқатланиш соҳасида 5 кишигача;

Кичик корхоналар: енгил ва озиқ-овқат саноати, металлга ишлов бериш ва асбобсозлик, ёғочни қайта ишлаш, мебель саноати ва қурилиш материаллари саноатида 100 кишигача; машинасозлик, металлургия, ёқилғи-энергетика ва кимё саноати, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлаш, қурилиш ҳамда бошқа саноат ишлаб чиқариш соҳаларида 50 кишигача; фан, илмий хизмат кўрсатиш, транспорт, алоқа, хизмат кўрсатиш соҳаси (суғўрта компанияларидан ташқари), савдо ва умумий овқатланиш ҳамда ишлаб чиқаришга алоқадор бўлмаган бошқа соҳаларда 25 кишигача.

Кичик ва ўрта бизнеснинг аҳамияти қуйидаги ҳолатларда намоён бўлади: кичик ва ўрта бизнес – аҳолининг асосий қисми учун меҳнатини

қўллайдиган жабҳа ва даромад манбаидир. Кичик ва ўрта корхоналар бутун иқтисодийнинг самарадорлигини сезиларли даражада оширади ва иқтисодийнинг ҳудудий тузилмасини яхшилайти.

Алоҳида шахс учун ҳам кичик бизнеснинг манфаати жуда катта. Улар учун кичик ва ўрта бизнес қуйидагилар манбаидир:

- бандлик ва даромадлар;
- ўз келажагини яхшироқ бошқариш имконияти;
- иш ва шахсий ҳаётни янада яхлитроқ бирлаштириш имконияти;
- ўз ишини топиш, ўз қобилиятлари ва истеъдодини намоён қилиш имконияти.

Кичик ва ўрта бизнеснинг потенциал имкониятлари уни ривожлантиришга жиддий эътибор беришга мажбур қилади. Мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнес секторининг рағбатлантирилиши республика ижтимоий- иқтисодий тараққиётининг ҳал қилувчи стратегик омилларидан ҳисобланади.

Бир қатор ҳукумат қарорлари натижасида бошланган кичик ва ўрта корхоналарни яратишни рағбатлантириш жараёни кейинги йилларда иқтисодийда улар аҳамиятининг ошишига олиб келди.

Ҳозирги кунга қадар, иқтисодийнинг ушбу секторини ривожланишини белгилаб берувчи босқичлар мамлакатимизда бозор муносабатларининг босқичма-босқич асосда шаклланиб боришининг таъсири билан характерланади.

Биринчи босқич (1991-1995 йиллар). Юқорида айтиб ўтганимиздек, мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб мамлакатимизда кичик бизнесни ривожлантиришга эътибор қаратила бошлади. Ушбу босқич кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг шаклланиши ва улар миқдорининг кескин суръатларда ўсиши билан тавсифланади.

Иккинчи босқич (1996-1999 йиллар). Ушбу босқичда республикадаги кичик бизнес субъектларининг ривожланиши олдинги босқичга қараганда маълум даражада сушлашди.

Учинчи босқич (1999 йилдан ҳозирга қадар). Ушбу босқич Ўзбекистонда кичик бизнес ривожланишининг янги йўналишини очиб берди. Иқтисодий эркинлаштириш жараёнида Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни ва республика ҳукумати томонидан бошқа кўплаб меъёрий ҳужжатларининг қабул қилиниши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бугунги кунга келиб бундай чора-тадбирларнинг барчаси ўзининг ижобий натижаларини бера бошлади. Шундай қилиб, 2000 йилдан бошлаб мамлакатимизда кичик бизнес ривожланишининг ўзига хос янги даври бошланди.

Юқорида айтиб ўтилганидек, кичик бизнеснинг, хоҳ у ривожланган мамлакатларда бўлсин, хоҳ ривожланаётган ва иқтисодий ўтиш давридаги мамлакатларда бўлсин, асосий хусусиятларидан бири иқтисодийнинг ушбу сектори доимо давлат томонидан қўллаб-қувватланишга эҳтиёжманд эканлиги ҳисобланади. Мамлакатимизда ҳам мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб ҳозирги кунга қадар кичик бизнеснинг ривожланишини

қўллаб-қувватлаш ва тартибга солиш давлатнинг муҳим функцияларидан бири бўлиб келмоқда. Ҳозирги кунга қадар мамлакатимизда давлатнинг кичик бизнесни қўллаб-қувватлаши асосан қуйидаги йўналишларда амалга ошириб келинди:

- мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши учун лозим бўлган ҳуқуқий-меъёрий асос яратилди;
- кичик бизнеснинг ривожланишида устуворликлар белгиланди, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг Дастури ишлаб чиқилди ва жорий этилмоқда;
- кичик бизнеснинг ривожланишига ёрдам берувчи бозор инфратузилмасига асос солинди;
- имтиёзли солиқ, субсидиялар, давлат ва бюджетдан ташқари фондлардан бериладиган имтиёзли кредитлар, халқаро молия институтлари кредитларини жалб этиш кичик бизнес ривожланишини рағбатлантиради;
- ҳуқуқий ва жисмоний шахсларга хорижий ва миллий валютада микрокредит бериш механизми ишлаб чиқилди ва жорий этилмоқда.

Амалий машғулот бўйича топшириқ

Кичик бизнесни ривожлантириш даражаси кўрсаткичларини ҳисоблаш ва таҳлил этиш.

Кичик бизнесни қўллаб қувватлаш дастурини тузиш.

Амалий машғулот бўйича услубий кўрсатмалар

Кичик бизнеснинг иқтисодиётдаги аҳамиятини тавсифловчи тўрт асосий кўрсаткични белгилаш мумкин. Булар унинг:

- рўйхатга олинган, шунингдек ҳақиқатдан фаолият кўрсатаётган корхоналар умумий сонидagi ҳиссаси;
- ЯИМда, саноат, қишлоқ хўжалиги маҳсулот ҳажмида, қурилиш ишлари, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги ҳиссаси;
- иқтисодиётдаги банд аҳоли сонидagi ҳиссаси;
- экспорт маҳсулот ҳажмидаги ҳиссаси.

Ўзбекистонда кичик ва ўрта бизнес хусусий тадбиркорлар, микрофирмалар, кичик ва ўрта корхоналардан ташкил топган. Аммо ҳозирги даврда иқтисодиётда кечаётган мураккаб жараёнлар, кичик ва ўрта тадбиркорлик фаолияти турли-туманлиги, мамлакатимизда унинг ўзига хос хусусиятлари ушбу белгиларнинг барчасини ўз ичига олган классификацияни ишлаб чиқишни талаб этади.

Мамлакатимизда кичик бизнесни ривожлантириш бўйича минтақавий дастурларни ишлаб чиқишда ҳар бир тумanning табиий-иқлим , ижтимоий иқтисодий ва экологик характерли ўзига хос хусусиятлари мавжудлиги учун аҳоли даромадини ошириш мақсадида кичик бизнесни ривожлантириш дастурини «юқоридан пастга» тузиш нотўғри ҳисобланади. Вилоятдаги дастурлар туман дастурларидан иборат бўлиши лозим. Ҳар қандан туман

учун аҳоли бандлигини ошириш мақсадида кичик бизнесни ривожлантириш дастурини ишлаб чиқишда қуйидаги асосий тамоиллардан келиб чиқиш мақсадга мувофиқ.

1. Дастур туманни ривожлантириш концепциясига ҳар томонлама мос келиши лозим.
2. Дастур бандлик муаммоларини ва меҳнат бозорини ўрганиш асосида ишлаб чиқилади.
3. Кичик ва йирик корхоналар оқлона мослашуви лозим.
4. Туманда ва вилоятда товарлар ва хизматларга талабни ҳисобга олиш зарур.

Туманнинг кишлоқ хўжалигини ривожлантиришг умумий концепциясини ишлаб чиқиш учун энг аввало унинг ресурс салоҳиятига (ер, меҳнат, моддий ва бошқа ресурслар) баҳо бериш зарур.

Мустақил ишни бажариш бўйича тавсиялар

Мустақил иш «Кичик тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш тизими» мавзусида бажарилади ва унда қуйидаги саволлар кўриб чиқилади:

Кириш

1. Ривожланган мамлакатларда кичик бизнесни қўллаб- қувватлаш.
2. Кичик тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб қувватлаш.
3. Кичик бизнесни қўллаб-қувватлашнинг нодавлат инфраструктураси.

Хулоса

Адабиётлар

5-Мавзу:Хусусий бизнесни яратиш ва ривожлантириш

Дарснинг мақсади: Хусусий бизнесни яратишнинг умумий шароитларини ва айрим тамоилларини ўрганиш. Ғоя ва мақсадни тушуниш. корхона (бизнес) ни сотиб олиш ва ижарага олиш йўллариини ўрганиш. Ташкилотни давлат рўйхатидан ўтказиш, қайта ташкил этишдан тузилган юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказишни ўрганиш.

Асосий саволлар

1. Хусусий бизнесни яратишнинг умумий шароитлари. Хусусий бизнесни яратишнинг айрим тамойиллари.
2. Хусусий бизнесни яратиш ғояси ва мақсади.
3. Корхона (бизнес)ни сотиб олиш. Корхона ижараси. Франчайзинг – бизнесни ташкил этиш.
4. Ташкилотни давлат рўйхатидан ўтказиш. Қайта ташкил этишдан тузилган юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш.

Дарсинг мазмуни

Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш¹ ва тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш. Тадбиркорлик субъектларини давлат рўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги “Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги 357 - сонли қарори ва шу қарор билан тасдиқланган “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисида НИЗОМ”га мувофиқ амалга оширилади. Ушбу қарорда барча келишиб олиш тартиботлари тадбиркорлик субъектларини амалдаги қонун ҳужжатларига риоя қилган ҳолда рўйхатдан ўтказадиган фақат битта ташкилот доирасида амалга оширилиши белгилаб берилган.

Туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузурида тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари ташкил этилган бўлиб, уларнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланган:

- тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишни мўлжаллаётган ариза берувчининг ҳужжатларини ҳамда бунинг учун зарур бўлган асосларни қабул қилиш ва экспертизадан ўтказиш;

- тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш мақсадида муҳандислик-коммуникацияларига (газ, энергия, сув, канализация, иссиқлик билан таъминлаш, телефон алоқаси тармоқлари) уланиш, тураржойларни нотураржой тоифасига ўтказиш, объектларни қуриш ва реконструкция қилишга техник шартларни белгиланган тартибда расмийлаштириш, шунингдек, муҳр ва штамп тайёрлашга рухсатнома олиш учун уларнинг ваколатлари доирасида мажбурий тартибда келишиладиган ва рухсат олинадиган тегишли ташкилотларни аниқлаш;

- юқорида кўрсатилган рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштиришни ҳисобга олган ҳолда тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, реестрни юритиш, шунингдек, уларни солиқ ва статистика органларида ҳисобга қўйиш;

- ариза берувчига барча рухсат берувчи ҳужжатлар билан унинг тадбиркорлик субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома бериш.

Тадбиркорлик субъектларини ариза берилган санадан бошлаб рухсат берувчи ҳужжатларни берган ҳолда давлат рўйхатидан ўтказишгача бўлган муддат техник шартлар ва бошқа рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштиришнинг мураккаблигини ва ҳажмини ҳисобга олиб, 7 иш кунидан бир ойгача белгиланади.

¹ Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357 - сонли қарори билан тасдиқланган “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисида НИЗОМ” асосида тайёрланган.

Давлат солиқ ва статистика органларида ҳисобга қўйиш билан бир вақтда давлат рўйхатидан ўтказиш:

- хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ҳамда тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ташкил этиладиган бозорлар ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда бошқа ташкилотлар – Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар адлия бошқармалари томонидан;

- барча тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан, хорижий сармоя иштирокидаги корхоналар – туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари (кейинги ўринларда матнда Инспекция деб юритилади) томонидан амалга оширилади.

Корхоналар ва ташкилотларнинг Ягона давлат регистри жойлардаги статистика органлари томонидан тўлдириладиган рўйхатдан ўтказиш карталари асосида Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан юритилади.

Тадбиркорлик субъекти давлат рўйхатидан ўтказилганлиги учун давлат божи ёки рўйхатдан ўтказиш йиғими тўланади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигида ва вилоятлар адлия бошқармаларида давлат рўйхатидан ўтказилганлик учун:

- хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун – энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари, шунингдек, 500 АҚШ доллари;

- устав фонди тўлиқ хорижий инвесторлар томонидан шакллантириладиган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун – 2000 АҚШ доллари миқдорида давлат божи тўланади.

Тадбиркорлик субъектлари давлат рўйхатидан ўтказилганлиги учун Инспекцияларда рўйхатдан ўтказиш йиғими ундирилади, уларнинг ставкалари давлат ҳокимияти Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат ҳокимияти вакил органлари томонидан белгиланади. Рўйхатдан ўтказиш йиғимларининг чекланган ставкалари ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан белгиланади.

Илгари рўйхатдан ўтказилган (рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштирган ҳолда ёки расмийлаштирмасдан), шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар адлия бошқармаларида рўйхатдан ўтказилган тадбиркорлик субъектлари ҳам Инспекцияга рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш учун мурожаат қилишлари мумкин. Бунда рўйхатдан ўтказиш йиғими (давлат божи) ундирилмайди.

Инспекция томонидан рухсат берувчи ҳужжатлар расмийлаштирилганда тегишли рухсат берувчи ҳужжатлар берилганлиги учун ваколатли органлар хизматларига ҳақ тўлаш фақат Инспекция орқали амалга оширилади.

Амалий машгулот бўйича топшириқ

Тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш бўйича ҳужжатларни тайёрлаш.

Амалий машгулот бўйича услубий кўрсатмалар

Юридик шахс мақомидаги тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларни ҳисобга қуйиш тартиби қуйидагича:

Дастлаб таъсис ҳужжатлари тайёрланади. Бунда таъсис ҳужжатларини тадбиркорларнинг ўзлари ёки уларнинг хоҳишига кўра, Савдо-саноат Палатасининг тузилмалари (ахборот-маслаҳат марказлари), консалтинг хизматлари ёки бошқа шахслар тайёрлаб беришлари мумкин.

Таъсис ҳужжатлари давлат рўйхатидан ўтказиш учун рўйхатдан ўтказувчи органга (шахсан келиб ёки почта орқали) ариза билан тақдим этилади. Давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги аризага:

- таъсис ҳужжатларининг нотариал тасдиқланган икки асл нусхаси (давлат корхоналари негизида ташкил этилган акциядорлик жамиятларини рўйхатдан ўтказиш учун нотариал тасдиқланган таъсис ҳужжатлари талаб этилмайди);

- тадбиркорлик субъектининг почта манзилини тасдиқловчи ҳужжат (фермер ва деҳқон хўжаликлари, шунингдек, давлат корхоналари негизида ташкил этиладиган акциядорлик жамиятлари бундан мустасно);

- давлат божининг ёки рўйхатдан ўтказиш йиғимининг белгиланган миқдори тўланганлиги тўғрисидаги банк тўлов ҳужжати (деҳқон хўжаликлари, шунингдек, давлат корхоналари негизида ташкил этиладиган акциядорлик жамиятлари бундан мустасно);

- белгиланган тартибда шаҳар (туман)лар статистика органлари томонидан берилган фирма номи тўғрисидаги гувоҳнома;

- муҳр ва штамп эскизлари уч нусхада илова қилинади.

Якка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахс бўлмасдан ташкил этилган деҳқон хўжаликларини давлат рўйхатидан ўтказиш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

Давлат рўйхатидан ўтиш учун якка тартибдаги тадбиркор томонидан яшаш жойидаги Инспекцияга (шахсан ҳозир бўлган ҳолда) давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида ариза тақдим этилади.

Давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги аризага 3x4 см. ўлчамли иккита фотосурат, рўйхатдан ўтказиш йиғимининг белгиланган миқдори тўланганлиги тўғрисидаги банк тўлов ҳужжати, муҳр ва штамп эскизлари уч нусхада тақдим этилади (якка тартибдаги тадбиркор хоҳишига кўра). Ариза беришда паспорт кўрсатилади.

Мустақил ишни бажариш бўйича тавсиялар

Мустақил иш «Ўзбекистонда тадбиркорлик муҳитини шакллантириш» мавзусида бажарилади ва унда қуйидаги саволлар кўриб чиқилади:

Кириш

1. Тижорат сири қонун-қоидалари, баҳоланиш меъзонлари ва маъноси.
2. Тижорат сирини муҳофаза қилиш ва рақобатчилар тўғрисидаги маълумотни қонуний равишда олиш усуллари.
3. Ихтиро ва рационализаторлик таклифлари муаллифлик ҳуқуқини ҳимоялаш.
4. Саноат нусҳаси ва товар белгиси. Маҳсулотни сертификация қилиш.

Хулоса

Адабиётлар

6-Мавзу: Кичик бизнес фаолиятини молиявий таъминлаш

Дарснинг мақсади: Кичик бизнесни молиялаштиришнинг манбаларини танлашни ўрганиш. Кредитлашнинг турлари ва уларни жалб этиш йўллариини ўрганиш.

Асосий саволлар

1. Молиялаштириш манбааларини танлаш. Корхона фаолиятини ички молиялаштириш манбаалари.
2. Банк кредитларини жалб этиш. Банк кредитларининг асосий турлари. Ташкилотнинг банк билан кредит шартномасини тузиш.
3. Ташкилотни тижорат кредитлаш. Солиқ ва инвестицион солиқ кредитлари. Факторинг молиялаштириш шакли сифатида. Лизинг операциялари.

Дарснинг мазмуни

Кичик бизнеснинг ишбилармонлик таркибларини кредит билан таъминлаш - бу уларга молиявий пул ёки товар шаклидаги воситаларни маълум муддатга хўжалик фаолиятини амалга ошириш учун беришдир. Кредит билан таъминлашни қуйидаги турлари мавжуд:

- **Хўжалик** юритувчи субъектларга пул ссудаларини ёки товарни капитал урнида тугридан тугри бериш шакли.
- **Ҳисоб-китоб** турларидан бири сифатида кредит билан таъминлаш яъни тўлов муҳлати узайтирилганлиги ҳисоби билан.

Бу ерда "*Кредит*" тушунчасига кенг маънога эга. *Биринчидан:* Кредит тўлаш ва фоиз тўлаш шарти билан ссуда қилинишида пул ёки товар шаклида бўлиши мумкин. Юридик ёки жисмоний шахслар қарзга восита берувчилар - кредиторлар, олувчилар - заёмчилар деб аталади. Кредитнинг *асосий вазифаси* пул воситаларини қайтариб бериш шарти билан корхоналар,

ташкilotлар, тармоқлар ва туманлар орасида тақсимлаш ва вақтинча бўш пул маблағларини самарали ишлатишидан иборатдир. Кредитнинг бошқа вазифаси бу ҳақиқий пулларни кредит пулларга (банкнотлар) ва кредит операцияларига (нақд пулсиз ҳисоб-китобга) алмаштиришдан иборат. *Иккинчидан*: Кредит ўзини ссуда капитали ҳаракати шаклида намоён этади. Пул ёки товар шаклидаги ссуда қайтарилиши ва тўлов шарти билан кредитор ва заёмчи орасидаги иқтисодий муносабатни акс эттиради. Кичик бизнесда кредит билан таъминлаш кенг шаклларда тасаввур этилади бу ерда қуйидаги кредитлар ишлатилади: тижорат, банк, давлат, истеъмолчи, халқаро. Уларнинг ҳаммаси кредит берилиш муддатига қараб қисқа муддатли (бир йилгача), ўрта муддатли (бир йилдан уч йилгача) ва узоқ муддатли (уч йилдан ортиқ) бўлиши мумкин.

Тижорат кредити - товар шаклида (берилувчи) сотувчилар томонидан харидорларга берилувчи кредит бўлиб сотилган товарнинг қийматини орқароқ суришдан иборатдир. Натижада ҳисоб-китоблар вексель ёки очик ҳисоб билан амалга оширилади. Биринчи ҳолатда харидор товар ҳужжатларини олганидан сўнг ўтказилиш сотувчи томонидан қўйилган вексельни (траттани) талаффуз этади ёки оддий вексель расмийлаштиради. Иккинчи ҳолатда сотувчи харидорнинг қарз мажбуриятларини олмайди ва қарз бўйича ҳисоб очади, қарзни узиш даврий тўловлар сифатида қисқа муддатларда (1-2-ой) амалга оширилади.

Тижорат кредитига бўлган зарурат капитални ишлатиш ва муомала вақтини бир-бирига туғри келмаслиги натижасида келиб чиқади. Бу ерда товарни кредитга сотиш ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизлигига ёрдамлашади, капиталнинг айланиши тезлашишини ва фойдани кўпайишини таъминлайди. Ушбу шаклдаги кредит одатда қисқа муддатли бўлади.

Банк кредити ишбилармон ва корхоналарга пул ссудаси кўринишида берилади.

Банк ссудаси - бу корхона ташкilotларни, алоҳида фуқароларнинг вақтинча бўш воситалари бўлиб банк томонидан шартнома асосида уларнинг розилиги билан жалб қилинади ва ссуда фонди ташкил бўлади. Кредит олиш учун кредит олувчи ва заёмчи томонидан кредит шартномаси тузилади, у ўз ичига қуйдагиларни олади. Кредит тури, миқдори, унинг берилиш тартиби ва муддати, кредит бериш шарт, фоиз тўловининг миқдори, ҳар иккала томон жавобгарлиги, кредитор ва заёмчилар тўғрисидаги маълумотлар.

Кичик бизнес тараққиёти учун *Давлат кредити* давлат бюджетидан энг муҳими замонавий ишбилармонлик лойиҳаларини амалга ошириш бўйича тасдиқланган дастурлар асосида берилади.

Истеъмолчи кредит - бу кредит шаклида қарз олувчи сифатида юридик шахс, қарз берувчи сифатида кредит идораси, корхона ва ташкilot чиқиши мумкин. Бу кредит шакли халқнинг истеъмол талабини қондириш воситаси сифатида хизмат қилади ва пул ёки товар шаклида бўлиши мумкин.

Халқаро кредит - бу халқаро иқтисодий муносабатлар соҳаси бўлиб у турли давлатлар кредиторлар ва қарз олувчилари орасида ссуда бериш, ишлатиш ва уни узиш бўйича фоиз тўлаш билан амалга оширилади. Бу

турдаги кредит кичик бизнесни тараққиёт топшириш учун давлатлараро банклар ва фирмалар томонидан халқаро ёрдам шаклида берилади. Халқаро кредит ўлчами ва уни бериш шарти кредит берувчи ва олувчилар ўртасидаги кредит шартномасида уз аксини топади. Фирманинг нуқтаи назарида бериш ва таъминлашда қуйидаги кредитлар бўлиши мумкин. Товар, валюта, таъминлашган (товар, тижорат хужжатлари билан ва бошқа қийматлар билан) ва таъмин этилмаган (банк) кредитлари, қарз олувчилари бўйича кредитлар *шахсий, давлат* ва *молиявий* бўлиши мумкин. Кредитнинг асоси шартли ҳисоб-китоб тури бўлиб (тўлаш муддати узайтирилган ҳисоб) фирма кредити, вексель (ҳисобли) ва факторинг ҳисобланади.

Фирма кредити - бу кредит бериш шаклида мол берувчи ва сотувчи тўлаш муддати узайтирилган кредитни харидорга беради. Бу каби кредит шаклининг бирдан-бир мисоли маҳсулотни истеъмолчига аванс беришдир, аванс берувчига шартномага имзо қўйилгандан сўнг ўтказилади. Вексель кредити - бу векселни банк томонидан сотиб олиш (ҳисобни) вексель эгасидан тўлаш муддати келмасдан сотиб олишдир, яъни вексел эгаси банкдан муддатидан илгари векселда кўрсатилган пул миқдорини, тижорат тўловларини, ҳисоб тўловини ва бошқа харажатларни айиргандан кейингисини олади.

Факторинг - бу айланувчи воситаларни кредит билан таъминлашда ўртада турувчининг фаолияти туридир, ўртада турувчи компания (банк) маълум тўлов эвазига ишбилармонлар таркибидан харидорлардан унинг ҳисобига олинadиган пул маблағини олиш ҳуқуқига эга бўлади (дебиторлик қарзини инкассага кушиш ҳуқуқи). Шу билан бирга ўртада турувчи мижозни айланувчи воситасини кредит билан таъминлайди ва унинг кредит ва валюта таваккалчилигини ўз зиммасига олади, ўртада турувчи товар сотувчининг ўзаро муносабатлари факторинг бўйича шартнома билан тартибга солинади.

Очиқ ҳисоб бўйича кредит билан таъминлаш - бу сотувчини доимий харидорига таъминлатмасдан ва тез фоиз тўламасдан тўлов муддати узайтирилган шаклдаги кредитидир. Сотувчи харидорга товарни унинг манзилгоҳига товар тақсимлаш хужжатлари билан қарз миқдорини харидор шартномада кўрилган муддатларда ўз қарзини очиқ ҳисоб бўйича узиб боради.

Овердрафт - қисқа муддатли кредитлаш шакли бўлиб банклар амалиётида ишлатилади. У Англияда пайдо бўлган. Овердрафтнинг мазмуни шундан иборатки, одатда банкнинг ишончли мижозига маълум чегарада чеклар билан қарз тўлаш ҳуқуқи берилади. Бу каби операция натижасида манфий баланс бунёд бўлади, яъни дебиторлик сальдоси - (мижозини банкга қарзи). Банк ва мижоз узаро шартнома тузиб унда овердрафтнинг энг катта миқдори, кредит бериш шарти, уни қайтариш тартиби ва овердрафт учун фоиз миқдори белгиланади.

Амалий маиғулот бўйича топшириқ

Кичик бизнес молиявий ҳолатини таҳлил этиш.

Амалий маиғулот бўйича услубий кўрсатмалар

Бозор иқтисодиёти ўтиш даврида давлат мулкани хусусийлаштириш натижасида, хўжалик юритаётган субъектларнинг турли мулк эгалигидаги ташкилий-ҳуқуқий шакллариининг шаклланиши, тармоқларнинг молиявий-хўжалик фаолиятини бошқаришда ва назорат қилишда бухгалтерия ҳисобот маълумотларини ҳамда молиявий натижаларини таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб қолмоқда.

“Маҳсулотлар таннархига киритиладиган маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш (ишлар, хизматлар) бўйича харажатлар турлари ва молиявий натижаларни шакллантиришни тартиби тўғрисида” ги Низом муҳим меъёрий ҳужжатлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Низомда кўрсатилган харажатлар классификацияси авваламбор харажатларни туғри ва тўлиқ ифодалашга (ҳисобга олишга) йўналтирилгандир, шунингдек корхоналарнинг молиявий ҳисоботларини тайёрлаш мақсадида молиявий натижаларни (фойда ёки камомадларни) ҳам туғри ва аниқ аниқлашга қаратилгандир.

Корхоналар фаолиятининг молиявий натижаларини ифодаловчи ***фойданинг*** асосий кўрсаткичлари қуйидагилардан иборат:

а) маҳсулотлар сотишдан тушган ялпи фойда (ЯФ);

бу, реализациядан тушган соф тушум (СТ) ва сотилган маҳсулотнинг таннархи (МТ) ўртасидаги фарқдан иборат, яъни:

$$\text{ЯФ} = \text{СТ} - \text{МТ}$$

б) асосий ишлаб чиқариш фаолиятидан тушган фойда (ИЧФ);

бу, маълум давр ичида маҳсулотлар сотишдан тушган ялпи фойда (ЯФ) ва харажатлар (Хараж.) ўртасидаги фарқ ва плюс ёки бошқа асосий фаолият соҳалар даромадлари (Дар.) ёки камомадлари (БКам.) айирмасидан иборат, яъни:

$$\text{ИЧФ} = \text{ЯФ} - \text{Хараж.} + \text{БДар.} - \text{БКам.}$$

в) умумий хўжалик фаолиятидаги фойда (ёки камомад) (УХФ);

бу, алгебраик ифодалар йиғиндиси тарзида ифодаланади: асосий фаолиятидаги фойда (АФФ) плюс дивидендлар (ДД) ва фоизлар (ФД) бўйича даромадлар плюс (ёки минус) чет эл валюталари бўйича операцияларидан даромадлар (ёки камомад) (+/- ЧЭВ) плюс (ёки минус) қимматбаҳо қоғозлар инвестицияларини қайта баҳолашдаги даромадлар (ёки камомадлар) (+/- КККБ) минус фоизлар бўйича харажатлардан (ФХ) иборат, яъни:

$$\text{УХФ} = \text{АФФ} + \text{ДД} + \text{ФД} +/- \text{ЧЭВ} +/- \text{КККБ} - \text{ФХ}$$

г) солиқ тўловларигача бўлган Фойда (СФ);

бу кўрсаткич ҳам алгебраик ифодалар йиғиндиси тарзида ифодаланиб, умумий хўжалик фаолиятидаги фойда (УХФ) ва тасодифий (кўзда тутилмаган) фойда ва камомадлар (ТФК) сальдосидан иборат, яъни:

$$CF = UHF \pm TFK$$

д) йиллик соф фойда (ЙСФ);

бу, барча солиқларни тўлаб бўлгандан сўнг корхона ҳисобига қоладиган даромад, яъни солиқ тўловларига бўлган фойдадан (СФ), даромад ёки фойда солиғини (ФС) ҳамда бошқа солиқлар ёки тўловларни (БС) олиб ташлангандан қолган қисмидир, яъни:

$$ЙСФ = СФ - ФС - БС$$

Корхоналарнинг хўжалик фаолияти юритиш давомида келиб чиқадиган харажатлар ўз хусусиятларига кўра қуйидаги классификацияга бўлинади:

1. Маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш таннари:
 - а) тўғри ва эгри моддий харажатлар;
 - б) тўғри ва эгри меҳнат харажатлари;
 - в) бошқа тўғри ва эгри харажатлар;
 2. Маълум даврдаги харажатлар:
 - а) сотиш билан боғлиқ харажатлар;
 - б) бошқариш билан боғлиқ харажатлар (маъмурият харажатлари);
 - в) бошқа жараёнлар билан боғлиқ харажатлар ва камомадлар.
 3. Молиявий фаолият билан боғлиқ харажатлар:
 - а) фоизлар бўйича харажатлар;
 - б) хорижий валюталар билан операциялар билан боғлиқ курсларнинг салбий фарқи;
 - в) қимматбаҳо баҳолар бўйича сарф қилинган маблағларни қайта баҳолаш.
 - г) молиявий фаолият билан боғлиқ бошқа харажатлар.
 4. Тасодифий камомадлар.
- Корхоналарнинг хўжалик фаолияти юритиш давомида келиб тушадиган даромадлар ўз хусусиятларига кўра қуйидагича гуруҳланади ва у ҳисоботларда қуйидаги асосий бўлимлар бўйича акс этади:
- *реализациядан тушган соф тушумлар;*
 - *асосий фаолият соҳаларидаги бошқа даромадлар (операцион даромадлар);*
 - *молиявий фаолият соҳаларидаги даромадлар;*
 - *тасодифий даромадлар.*

Мустақил ишни бажариш бўйича тавсиялар

Мустақил иш «Кичик бизнесни ривожлантиришда хорижий инвестицияларнинг роли» мавзусида бажарилади ва унда қуйидаги саволлар кўриб чиқилади:

Кириш

1. Кичик бизнесни ривожлантиришда хорижий инвестицияларнинг аҳамияти.
2. Кичик бизнесга хорижий инвестицияларни жалб этишнинг ҳуқуқий асослари

3. Кичик бизнесга хорижий инвестицияларни жалб этишнинг асосий йўналишлари.

Хулоса

Адабиётлар

7-Мавзу:Кичик бизнесда бизнес-режалаштириш

Дарснинг мақсади: Кичик бизнесда бизнес-режалаштириш методика ва методологиясини ўзлаштириш. Бизнес-режанинг асосий қисмлари тўғрисида тушунчага эга бўлиш ва уни тузишни ўрганиш.

Асосий саволлар

1. Бизнес-режа тушунчаси, мақсади, вазифалари ва тузиш хусусиятлари
2. Бизнес-режанинг бошқа режавий хужжатлардан фарқи
3. Корхонани бошқаришда бизнес-режалаштириш моҳияти ва аҳамияти
4. Корхонада бизнес-режалаштириш жараёнини ташкил этиш
5. Бизнес-режанинг умумий структураси

Дарснинг мазмуни

Кичик ва хусусий тадбиркор корхоналар ўз фаолиятини мустақил режалаштиради ва хом - ашё ресурслари ва материалларнинг мавжудлигини ҳамда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга, бажарилаётган ишга, кўрсатилаётган хизматга бўлган талабларни ҳисобга олиб, тараққиёт истиқболларини белгилайди.

Корхона давлат эҳтиёжлари учун шартнома асосида ишлар бажаради, маҳсулотларини сотади ва турли хилдаги хизматлар кўрсатади.

Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир тадбиркор олдида дастлаб фаолият юргиза бошлагандан авваламбор асосий муаммо маҳсулот ишлаб чиқариш, истеъмол бозорида потенциал миқдорларни топиш ва бозорда ўз мавқеига эришиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва уни олдиндан туғри режалаштиришдан иборатдир.

Тадбиркор тармоқда иш юритишининг дастлабки босқичида узоқни кўра оладиган мақсадга мувофиқ бизнес-режаларини ишлаб чиқишади. Бу бизнес-режа умумий жиҳатдан фаолият юритиш соҳаларидан қатъий назар қуйидаги бўлимлардан ташкил топади:

1. Товарнинг тавсифи, кимга мўлжалланганлиги ва тузилиши.
2. Товар сотиладиган бозорни баҳолаш.
3. Товар сотиладиган бозордаги рақобат.
4. Маркетинг режаси.
5. Ишлаб чиқариш режаси.
6. Ташкилий схемаси.

7. Ҳуқуқий режаси.
8. Фаолият соҳаларини суғурталаш.
9. Лойиҳани маблағ билан таъминлаш.

Товарнинг тавсифи, кимга мўлжалланганлиги ва тузилиши бўлимида хўжалик фаолияти юритувчи тадбиркор ишлаб чиқараётган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ини қандай мақсадларга мўлжалланганлигини, товар тавсифини ва кўрсатилаётган хизматлар қанақа эҳтиёжларни қондиришини таҳлил қилиши ҳамда мавжуд шунга ўхшаш товарлар ёки хизматлар билан таққослаши, янги товарнинг афзалликларини батафсил ўрганиб чиқишини тақозо этади.

Товар сотиладиган бозорни баҳолаш бўлими қуйидаги бўлимчалардан иборат:

Товарлар ёки маҳсулотларнинг потенциал истеъмолчилари. Миқдорий баҳолаш. Ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг ёки товарларнинг умумий қиймати. Қийёсий (суммавий) баҳолаш.

"Товар сотиладиган бозордаги рақобат" бўлими қуйидаги бўлимчалардан иборат:

«Ўхшаш маҳсулот ва товарлар ишлаб чиқарувчилар», «Илгор технологияни жорий этиш», «Ўхшаш маҳсулот ёки товарларнинг нарх-наволарининг тавсифи».

Маркетинг режаси бўлимида корхона хўжалик фаолиятининг мақсадга мувофиқ йўналтирилган жараёнлари намоён этилади.

Ишлаб чиқариш режаси бўлимида, корхонада ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш ва бошқариш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг ҳажми, хом-ашё манбаларини танлаш, шартномалар тузиш жараёнини ташкил этиш, ишлаб чиқариш кооперациясини ва оқимининг ташкилий схемаларини тузиш масалалари ёритилади.

Ташкилий тузилиш бўлимида, корхонада ишчи ходимлар сонини аниқлаш, уларни мутахассисликлари бўйича жойлаштириш, иш ҳақи билан таъминлаш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш тадбирлари ишлаб чиқилади.

Юридик режа бўлими, корхонани хўжалик фаолияти юритиш давомида унинг *статусини* ифодалаб бериши, фаолият даражасини аниқлаб бериш масалаларини хал қилишга қаратилганлигини кўрсатади.

Суғурта фаолияти бўлимида, асосан корхонани турли хилдаги иқтисодий номувофиқлардан (ҳолатлардан), табиий офатлардан ҳимоя қилиш мақсадлари учун махсус ажратмаларни ажратиш тартиби ишлаб чиқилади.

Молиявий лойиҳа бўлимида, ишлаб чиқарилган маҳсулотларни кейинги йил учун кўзда тутилган ҳолатини аниқлаш, молиявий манбааларни белгилаш масалалари кўриб чиқилади.

Ресурслардан фойдаланиш йўналишлари бўлими, корхонанинг ишлаб чиқариш харажатларини аниқлашга, уларни ҳисобга олишга, тушумлар харажатларни ҳисоб-китоб қилиб боришга қаратилгандир.

Амалий машгулот бўйича топшириқ

Кичик бизнесда бизнес-режа тузиш.

Бизнес-режалаштиришда компьютер технологияларини қўллаш.

Амалий машгулот бўйича услубий кўрсатмалар

Бизнес-режани тузишни бошлашдан аввал зарур ахборотнинг бутун комплексини олиш зарур. Бунга кўра **бизнес-режалаштиришнинг** қуйидаги **босқичларини** ажратиш мумкин.

1. *Керакли ахборотнинг манбаларини аниқлаш.*
2. *Уни ишлаб чиқиш мақсадларини аниқлаш.*
3. *Ўзининг мақсадли ўқувчиларини аниқлаш.*
4. *Яратилаётган ҳужжатнинг умумий структурасини белгилаш.*
5. *Бизнес-режанинг кўзланган ҳар бир бўлимини тайёрлаш учун ахборот йиғиш.*
6. *Бизнес-режани ёзиш.*

Бизнес-режа тузишда қуйидаги тавсиялардан фойдаланиш мумкин:

- 1) бизнес-режани расмийлаштириш улгурувчи фирма имижига мос келиши лозим, у жозибадор, лекин кўзга ташланмайдиган бўлиши лозим.
- 2) деталлаштириш даражаси режа мақсадига мос келиши, лекин ортиқча ҳеч нарсани ўз ичига олмаслиги лозим: аниқ структура ва унинг кўргазмалилиги, қисқалиги. Чет эл тажрибаси кўрсатиб турибдики, бизнес-режанинг оптимал ҳажми 40 бет ҳисобланади;
- 3) бизнес-режага иккинчи даражали ва маълумот шаклидаги ахборот киритилмаслиги лозим. Уни иловага чиқарган яхшидир. Илова ҳажми чекланмайди;
- 4) баён этиш стили: баён этиш оддийлиги ва тил ва терминологик барьерларнинг йўқлиги. Бизнес-режа нафақат мутахассисларга балки, кенг доирадаги одамларга тушунарли бўлиши лозим;
- 5) бизнес-режадаги ахборот сиғимли, аниқ ва шу вақтнинг ўзида қисқа (жадваллар, графиклар ва ҳакозолар) бўлиши лозим;
- 6) бизнес-режа таклифлари ва башоратлари асосланган ва ахборот манбаларига ҳавола берилган бўлиши лозим;
- 7) молиявий ҳисоб-китобларнинг аниқлиги;
- 8) компания rischi муҳокама қилиниши лозим;
- 9) бизнес-режа бу ҳужжат тақдим этиш назарда тутилаётган ташкилот ва шахсларнинг талаб ва стандартларини ҳисобга олиб тайёрланиши лозим.

Компьютер дастур маҳсулотларини тўғри танлаш ва самарали фойдаланиш бизнес-режаларнинг сифатини сезиларли яхшилашга имкон беради.

Ҳозирги вақтда ихтисослаштирилган дастур маҳсулотларининг жуда кўп турлари мавжуд. Бизнинг мамлакатимизда ЮНИДО – Бирлашган

Миллатлар Ташкилотининг саноат ривожланиши бўйича Комиссияси хузурида яратилган COMFAR (Computer model for reporting) ва PROSPIN (Project profile screening and preappraisal information system) амалий дастурлар пакети; “Альт” (Санкт-Петербург) фирмасининг “Альт-инвест” пакети ва “Про-Инвест Консалтинг” фирмасининг “Project Expert” пакети кенг қўлланилади. “Microsoft project”, “Time line” ва “Primavera” типдаги тизимлар фақат ишларнинг календар режасини ва тармоқли лойиҳасини унинг стадиялари бўйича давомийлигини ва харажатларини ўз ичига олиб ишлаб чиқиш учун мўлжалланган ва асосан лойиҳаларни бошқариш тизими сифатида қўлланилади.

Бизнес-режалаштириш амалиётида шунингдек бизнес-режани тайёрлашнинг барча стадияларида Интернет ресурслари ва воситаларидан кенг фойдаланилиши мумкин.

Охирги вақтда бозорнинг юқори эҳтиёжлари ва техник ва дастур компьютер таъминотининг доимий янгилиниши муносабати билан мавжуд дастур маҳсулотларининг ўта мукамаллашган версиялари ва принципиал янги маҳсулотлар пайдо бўлмоқда.

Мустақил ишни бажариш бўйича тавсиялар

Мустақил иш «Ўзбекистонда режалаштиришнинг роли, амалиёти ва фойдаланилмаётган имкониятлари» мавзусида бажарилади ва унда қуйидаги саволлар кўриб чиқилади:

Кириш

1. Режалаштириш тамойиллари.
2. Режалаштириш турлари.
3. Режалаштиришда фойдаланиладиган норма ва нормативлар

Хулоса

Адабиётлар

8-Мавзу: Кичик бизнесни тизимида бошқариш

Дарснинг мақсади: Кичик бизнес корхоналари бошқарувининг ташкилий тузилмаларини ўрганиш. Кичик бизнес корхоналари бошқарувининг ташкилий тузилмасида бўлинмаларнинг ўрни ва вазифасини тушуниш. Ишловчилар меҳнат ҳақи ҳисоблашни ўрганиш.

Асосий саволлар

1. Кичик бизнес корхоналари бошқарувининг ташкилий тузилмалари.
2. Кичик бизнес корхоналари бошқарувининг ташкилий тузилмасида бўлинмаларнинг ўрни ва вазифаси.
3. Кичик бизнес корхоналари бошқарув тузилмаларининг ташкилий турлари.


Дарснинг мазмуни

Корхонани бошқаришнинг самарали тузилмасини вужудга келтириш бошловчи тадбиркор ҳал этиши керак бўлган муҳим вазифалардан биридир. У ташкилотни самарали ишлаши учун унга қайси ихтисосдаги мутахассислар қандай малакада, қандай шахсий фазилатларга эга бўлган қанча одамни бирлаштириши кераклигини аниқлаб олиши керак. Корхона катталашиб, унинг фаолият соҳалари кенгайиб бориши билан оқилона тузилмага бўлган эҳтиёж янада ошади. Корхонанинг етуклик, ҳатто, гуллаб-яшнаган босқичида ҳам ташкилий тузилма одамнинг ҳаётий қобилятини белгиловчи муҳим омил бўлиб қолади. Корхонанинг рақобат курашига бардош бериш, ўз қувватини сақлаб туриш ёки ошириб бориши, унинг ўзгариб бораётган шароитларга мослашиш қобилятига боғлиқ бўлади.

Корхона бошқарувининг ташкилий тузилмаси - бу бўлимлар, ишловчилар ўртасидаги махсус ишлаб чиқилган алоқалар ва муносабатларнинг яхлит тизимини ўз ичига олади ва унинг доирасида ишловчи одамлар олдига қўйилган мақсадга энг самарали йўл билан эришиш вазифасини бажаради. Мазкур тизимнинг ташкилий вазифалари 1-расмда кўрсатилган.

Корхона тузилмасида қуйидаги элементлар ажратиб кўрсатилади: раҳбарлик ва алоқа (горизонтал ва вертикал) бугинлар (бўлимлар), даражалар (босқичлар).

Бўғин (бўлим) - бу ташкилий жиҳатдан алоҳида, мустақил бошқарув ташкилотидир. Бўлим (одамлар гуруҳи) томонидан муайян вазифанинг бажарилиши уни шакллантиришнинг асосий мақсади ҳисобланади. Бўлимлар ўртасидаги алоқалар горизонтал тусга эга. Раҳбарлик (бошқарув) даражасини (босқичини) бошқарув иерархиясида маълум босқични эгаллаган бўлимлар гуруҳи (ёки битта бўлим) сифатида белгилаш мумкин. Босқичлар ўртасидаги алоқалар бу вертикал бўйича алоқадир. Улар қуйи даражалардан бошлаб юқори даражагача эркин ифодаланган изчил буйсуниш тусига эга.



1-расм. Корхона бошқарув тизимининг ташкилий вазифалари

Хар қандай, ҳатто кичик корхонада ҳам, юқорида баён этилган учта тузилма элементларнинг ҳаммаси мавжуд бўлади. Тадбиркор у ташкил этган корхонанинг мулкдори бўлиб, унинг ишига раҳбарлик қилади. Вертикал бўйича унга унинг ходимлари буйсунади.

Корхона (фирма) ичида бўлинмаларни тақсимлаш маълум қоидаларга асосланиши керак. Жумладан, *тенг гуруҳларга бўлиш қоидаси* ходимлар малака тайёргарлигига эга бўлиб, қуйилган мақсадга эришиш учун яна муайян миқдордаги одамлар зарур бўлган ҳолларда қўлланилади.

Функционал белги бўйича бўлиш қоидаси эса, ишлаб чиқариш бўйича цехлар, маркетинг, кадрлар, молия ва ҳоказо бўлимларни ташкил этишнинг энг оммалашган усулидир.

Худудий белги бўйича бўлиш қоидаси корхона ўз фаолиятини турли туманлар худудида амалга оширганда кўпроқ қўлланади.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот асосида тақсимлаш қоидаси ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турининг кўпайтириб бораётган, бошқа ташкилий тузилмани қўллаш ишни фақат мураккаблаштириши мумкин бўлган йирик корхоналарда кенг оммалашган.

Истеъмолчилар манфаатларини ҳисобга олган ҳолда тақсимлаш қоидаси, харидор ҳал қилувчи омил бўлган тармоқларда унинг манфаатлари ташкилий тузилмага кучли таъсир кўрсатади.

Ваколатлар, ҳуқуқлар, вазифалар ва жавобгарлик нуқтаи назаридан кичик бизнес корхоналари бошқарув тузилмаларининг қуйидаги ташкилий турлари мавжуд: чизиқли; чизиқли-функционал; лойиҳаланадиган ва матрицали; венчур ва фирма ички инновацияли.

Амалий маҳсулот бўйича топшириқ

Хусусий корхоналарда ишловчиларга меҳнат ҳақи ҳисоблаш.

Амалий маҳсулот бўйича услубий кўрсатмалар

Кишининг меҳнат фаолияти турли-туман бўлганлиги учун, унинг меҳнатига ҳақ тўлаш ҳам турлича шаклларда намоён бўлади. Иш ҳақининг икки шакли қабул қилинган:

Ишбай ҳақ тўлаш;

Вақтбай ҳақ тўлаш.

Меҳнатга ишбай ҳақ тўлаш – бу ходимларнинг ҳақиқатда бажарган иши ёки етиштирган маҳсулотига тўланадиган иш ҳақидан иборат. Ишбай ҳақ тўлаш бажариладиган ишга ёки маҳсулотга меъёр белгилаш имконияти бўлган ва уни аниқ ҳисобга олиш мумкин бўлганда кенг қўлланилади. Иш ҳақи тўлашнинг бу шакли ходимларни ишни бажаришдаги моддий манфаатдорлигини таъминловчи асосий омилларидан ҳисобланади.

Вақтбай ҳақ тўлаш бу ходимларнинг сарфланган иш вақти, яъни соат, смена, кун учун тўланадиган иш ҳақидан иборат. Меҳнатга ҳақ ишлаб

чиқаришда қатнашаётган ходимлар сонига ёки бажарилган иш, етиштирилган маҳсулот учун тўланиши мумкин. Ишлаб чиқаришда қатнашаётган ходимлар сонига иш ҳақи яқка тартибда ёки майда гуруҳ, гуруҳ тартибида бўлиши мумкин. У ёки бу ҳақ тўлаш тартибини қўллаш, экин турлари, маҳсулот етиштириш технологияси, меҳнат жараёнининг шу жараён пировад оқибат натижаси билан қанчалик боғланганлигига, яъни меҳнат тақсимооти ва меҳнат кооперацияси қанчалик даражага етганлигига боғлиқ.

Бундан ташқари меҳнатга ҳақ тўлаш ўз вазифасига кўра:

- асосий иш ҳақи тўлашга;
- қўшимча ҳақ тўлашга бўлинади.

Асосий иш ҳақи – бу агротехника, зоотехника ҳамда ташкилий хўжалик талабларига кўра, белгиланган иш, маҳсулот етиштириш меъёрини бажарганлиги учун олдиндан белгилаб қўйилган ставка ёки расценка, лавозим оклади тўланадиган иш ҳақидан иборат. Бу кафолатланган иш ҳақини ташкил қилади.

Қўшимча иш ҳақи – бу қўшимча меҳнат сарф қилиш, иш жараёнларини такомиллаштириш орқали қўшимча етиштирилган маҳсулот ёки юқори сифатли маҳсулот ҳамда шу маҳсулотларни етиштириш учун харажатларни тежаш эвазига тўланадиган иш ҳақидир. Қўшимча иш ҳақи натурал ва пул ҳолида тўланиши мумкин. Қўшимча иш ҳақининг ҳажми жуда катта бўлмаслиги керак. Акс ҳолда у асосий иш ҳақини аҳамияти ва ролини кескин камайтиради.

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ҳам асосий, ҳам қўшимча турлари жуда кўп кўринишда бўлганлиги сабабли оқилона фойдаланиш учун улар маълум тизимда қўлланилади.

Мустақил ишни бажариш бўйича тавсиялар

Мустақил иш «Тадбиркорлик фаолиятида ахлоқ меъёрлари бизнесда инсонлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар» мавзусида бажарилади ва унда кўйидаги саволлар кўриб чиқилади:

Кириш

1. Тадбиркорлик фаолиятида бизнеснинг ахлоқ меъёрлари.
2. Шериклар ўртасидаги ўзаро муносабатлар.
3. Хизмат юзасидаги муносабатлар.
4. Мижозлар билан муносабатлар.

Хулоса

Адабиётлар

9-Мавзу: Тадбиркорлик ташкилоти фаолиятини тўхтатиш

Дарснинг мақсади: Тадбиркорлик ташкилотларини қайта ташкил этиш йўллари ўрганиш. Корхоналар (ташкилотлар) ночорлиги (банкротлиги) аниқлашни ўзлаштириш. Қарздор ташкилотни молиявий

соғломлаштириш тадбирларини ўрганиш. Тинчлик келишувларини ўзлаштириш.

Асосий саволлар

1. Тадбиркорлик ташкилотларини қайта ташкил этиш.
2. Корхоналар (ташкилотлар) ночорлиги (банкротлиги).
3. Судгача санація. Банкротлик ишларини хўжалик судида кўриб чиқиш. Кузатиш процедуралари характеристикаси.
4. Қарздор ташкилотни молиявий соғломлаштириш. Қарздор-ташкилотни ташқи бошқариш.
5. Танлов асосида ишлаб чиқариш.
6. Кредиторлар талабларини қондириш навбатлари.
7. Тинчлик келишувлари.

Дарсинг мазмуни

Банкротлик – бу хўжалик юритувчи субъектининг иқтисодий қашшоқлиги, уни қарз мажбуриятлари бўйича тўловга қобилиятсизлиги хўжалик судининг қарори билан ошқора эълон қилинганлигидир. Ўз ишининг маъноси билан банкротлик – бозор иқтисодиётидаги оддий ҳолат. Рақобат курашининг натижаси – бу ишлаб чиқаришни, тараққиётни, ишдаги ташаббусини рағбатлантиришдан иборатдир. Банкрот – бу жисмоний ёки юридик шахс, хўжалик суди қарори билан ошқора иқтисодий қобилиятсиз қарздор деб аталишидир. Аммо банкротлик хўжалик юритувчи субъектнинг ҳаддан ташқари қарздорлиги билан боғлиқ бўлиши мумкин. Бу иккинчи вариант амалиётда тадбиркорлик таркибини соғломлаштириш (санація) усули сифатида ишлатиши мумкин.

Ривожланган турғун иқтисодий ва сиёсий тизимга эга давлатларда банкротликка 1/3 қисмига ташқи омиллар ва 2/3 қисмига ички омиллар сабабчи бўлар экан. Хўжалик юритувчи субъектни банкрот бўлиш имконини баҳолашда қуйидаги кўрсаткичлар зарур:

- Барча активларга айланма капиталининг нисбати.
- Қарзларни акционерлик капиталига нисбати.
- Барча пассивларни барча активларга нисбати.
- Асосий капитални акционерлик капиталига нисбати.
- Соф фойдани барча активларга операциялардан келиб тушадиган нақд пулларнинг барча пассивларга нисбати.
- Соф фойда + кредит бўйича фоизни кредит бўйича фоизга нисбати.

Кичик шаклдаги хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий қашшоқлиги ва банкрот бўлиши тадбиркорлар, раҳбарлар, фирманинг мененжерлари томонидан йўл қўйиладиган хато, бир қатор камчиликларга боғлиқ. Умумий хатолар ва камчиликлар ичидан иш бошловчи тадбиркорларнинг, етук ёшдаги корхона менежерларининг ўзига хос хатоларини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Банкротлик эълон қилгандан кейин хўжалик суди томонидан тайинланган бошқарувчи кредиторларни ва қарздорни ҳуқуқ манфаатларини ҳимоя қилади ва банкротлик туғрисидаги ишни ниҳоясига етказишга кўмаклашади. Қарздорнинг хўжалик фаолиятини ташкил қилишда бошқарувчи шартнома тузиш ва кредит олиш ҳуқуқига фақат кредиторлар розилиги билан эга бўлади.

Кредиторларнинг умумий мажлиси қарори чикмагунча бошқарувчига юридик шахсни тугатиш ман этилади. Юридик шахснинг тугатилиши банкротлик иши тугатилганидан кечикмай амалга оширилади. Агар банкротлик тинчлик келишуви тузиш билан тугаса ёки банкротлик ишини хўжалик суди тўхтатса ёки қарздорда ўз фаолиятини давом эттириш учун барча шикоятлардан сўнг етарли мулк қолса юридик шахс тугатилмайди.

Тинчлик келишуви – бу қарздор ва кредиторлар орасидаги қарзларни тўлаш туғрисидаги келишув бўлиб унда қарзларни камайтириш ёки уларни тўлаш муддатини узайтириш ва томонларнинг бошқа келишуви билан амалга ошириладиган шартномалар кўзда тутилади.

Агар корхона банкрот деб топилса, корхонани бошқарувчи раҳбар меҳнат шартномаларининг шартини бажаришни давом эттиради ёки уларни қонуний ҳужжатларга асосан бекор қилади.

Иш берувчилар банкрот деб топилганда уларнинг ишчиларига тўланмаган маоши товон сифатида давлат томонидан тўланади, бунда тўланадиган пул миқдори икки ойлик ўртача маошдан ортиқ бўлмаслиги зарур.

Агар ишчиларга иш берувчининг банкротлиги сабабли давлат товон тўласа меҳнат шартномасини тугатилишида ёки бошқа қонуний ҳужжатлар асосида банкротлик иши кўрилишида шу товон пулини тўлаган давлат идораси кредитор сифатида чиқади.

Қарздорнинг банкротлиги муносабати билан яшаб туриши учун пул маблағи – ҳаёт кечириши учун бутунлай маблағи бўлмаганда берилади. Бунда қарздорнинг аризаси асосида хўжалик суди унга ва унинг қарамоғидагиларига банкротнинг мулк ҳисобидан яшаш учун зарур бўлган маблағ миқдорида икки ойгача тўлаб туради.

Айрим ҳолларда, бу муддат хўжалик суди томонидан узайтирилиши мумкин.

Амалий машғулот бўйича топшириқ

Корхона банкротлигини аниқлаш.

Молиявий соғломлаштириш режасини тузиш.

Амалий машғулот бўйича услубий кўрсатмалар

Корхона молиявий барқарорлиги қуйидаги турлари ажратилади:

$S = f(1, 1, 1)$ – абсолют молиявий барқарорлик;

$S = f(0, 1, 1)$ – нормал молиявий барқарорлик;

$S = f(0, 0, 1)$ – нобарқарор молиявий ҳолат;

$S = f(0, 0, 0)$ – инқирозли молиявий ҳолат.

Нобарқарор молиявий ҳолатга эга корхоналар учун унинг *потенциал банкротлик эҳтимолини баҳолаш* лозим. Бунинг учун иккита асосий ёндошувдан фойдаланиш мумкин:

- Э.Альтманнинг кўпомилли модели;

- тўлов қобилятлиги кўрсаткичини башоратлаш. Э.Альтманнинг 1960 йиллардаги ўтказган тадқиқотлари асосида банкротлик эҳтимоли энг катта даражада боғлиқ бешта кўрсаткич юзага чиқарилди ва уларнинг оғирлик коэффицентлари аниқланди. Натижада фирманинг потенциал банкротлик эҳтимолини интеграл кўрсаткичини ҳисоблашга имкон берадиган, Z – счет деб аталадиган, молиявий барқарорликни акс эттирадиган бешомилли моделга эга бўлинди:

$$Z = 1,2K1 + 1,4K2 + 0,6K3 + 3,3K4 + 1,0K5,$$

Бунда $K1$ = хусусий айланма маблағлар / ҳамма активлар суммаси;

$K2$ = тақсимланмаган фойда / ҳамма активлар суммаси

$K3$ = оддий ва имтиёзли акцияларнинг бозор қиймати/қарз маблағлари хажми;

$K4$ = ялпи фойда / ҳамма активлар суммаси;

$K5$ = маҳсулот сотишдан соф тушум/ ҳамма активлар суммаси.

Z – счет кўрсаткичи миқдорида қараб фирманинг банкротлик эҳтимоли аниқланади:

- 1,8 гача – жуда юқори;

- 1,81 – 2,7 – юқори;

- 2,71 – 3,0 – имкониятли;

- 3,0 дан ортиқ – жуда паст.

Ушбу модел бўйича банкротликни бир йилга 90 %, икки йилга – 70 %, уч йилга 50 % аниқлик билан башоратлаш мумкин.

Ҳозирги вақтда Э.Альтманнинг компьютер версияси ишлаб чиқилган ва ундан кенг фойдаланилади.

Фирма потенциал банкротлиги эҳтимолини баҳолашнинг иккинчи ёндошувида баҳолаш қуйидаги коэффицентлар асосида ўтказилади: қоплаш (K_k); хусусий айланма маблағлар билан таъминланганлик ($K_{ам}$); тўлов қобилятини (йўқотиш $K_{й}$) тиклаш (K_t).

Корхона молиявий-иқтисодий ҳолатини баҳолашда корхона фаолиятининг асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлари ва унинг молиявий ҳолати таҳлилини бажариш тавсия этилади.

Таҳлилни корхона молиявий ҳисоботи маълумотлари асосида охириги уч йилга техник-иқтисодий ва молиявий кўрсаткичлар йиғимидан фойдаланиб ўтказиш зарур.

Корхона молиявий ҳолатининг таҳлили қуйидаги асосий бўлимларни ўз ичига олади:

- 1) активлар ва пасивлар структураси;

- 2) мулкӣй ҳолат таҳлили;
- 3) молиявий барқарорлик;
- 4) корхона маблағлари айланувчанлиги таҳлили;
- 5) капитал ва сотиш рентабеллиги;
- 6) молиявий дастак самараси;
- 7) ишлаб чиқариш дастаги самараси;
- 8) корхона иқтисодий ўсишининг шаклини аниқлаш.

Барча кўрсатилган бўлимлар бўйича молиявий ва иқтисодий кўрсаткичларнинг таҳлили ўтказилади, яъни таҳлил қилинаётган қатор чораклар, йиллар кўрсаткичлари таққосланади, вақт давомида кўрсаткичлар динамикаси кузатилади. Ҳар бир бўлимда охириги даврга кўрсаткичлар ва молиявий коэффициентлар ўсиши темпи ҳисобланади.

Мустақил ишни бажариш бўйича тавсиялар

Мустақил иш «Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолияти субъектларини қайта ташкил этиш ва тўхтатиш механизми» мавзусида бажарилади ва унда куйидаги саволлар кўриб чиқилади:

Кириш

1. Қайта ташкил этиш ва банкротликнинг ҳуқуқий асослари.
2. Корхоналарни санація қилиш.
3. Акционерлик жамиятларини қайта ташкил этиш механизми.

Хулоса

Адабиётлар

ХУЛОСА

Тадбиркор ўз мол мулки асосида унинг қайси шаклдан иборат бўлишидан қатъи назар турли хўжалик фаолияти билан шуғулланишига оид масалани эркин равишда ҳал қилади ва таъминлайди. У қонунга зид бўлмаган ва қонун билан тақиқланмаган ҳар қандай ҳатти ҳаракатни, хўжалик фаолиятини амалга оширишга ҳақлидир.

Тадбиркорликда ўзаро ҳамкорлик ва эркин рақобатлашув муҳим аҳамиятга эга. Бундай шароитни яратиш ва таъминлашни давлат қонун бўйича ўз зиммасига олади. Тадбиркорларнинг иқтисодий мустақиллиги ва тенг ҳуқуқлилиги, уларнинг эркин рақобатлашуви учун заминдир.

«Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» йўналиши бўйича тайёрланаётган бакалаврлар тадбиркорлик асосларини чуқур ўрганишлари бизнес билан шуғулланмоқчи бўлган ҳар бир инсоннинг қонун доирасида таваккалчилик асосида хўжалик фаолиятини бошқаришлари кераклигини англашлари зарур. Бунинг учун хорижий тажрибаларни ўрганишлари ҳам мақсадга мувофиқдир.

Билим олаётган талабаларимиз ушбу тавсия этилаётган услубий кўрсатмалардан ташқари унда тавсия этилган асосий ва қўшимча адабиётлардан мустақил равишда фойдаланиб реферат, мустақил ишлар ва илмий анжуманларда маърузалари билан қатнашишлари мумкин ҳамда олган билимларини мустаҳкамлайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Тошкент: Ўзбекистон, 2003.
2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси (2003 йил 24 июнгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан). Расмий нашр - Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2003 й. – 496 б.
3. “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари” тўғрисида Ўзбекистон Республикаси қонуни. 2000 йил 25 май.
4. Ўзбекистон Республикаси “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий- ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонуни. 1998 йил 29 август.
5. Ўзбекистон Республикаси “Банкротлик тўғрисида”ги қонуни. 2002 йил.
5. “Ўзбекистон Республикасида корхоналар тўғрисидаги” Ўзбекистон Республикаси қонуни, 1991.

II. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари

1. “Тўғридан тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора–тадбирлар тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 апрелдаги ПФ 3594- сон Фармони.
2. “Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётини эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги ПФ 3618– сон Фармони.
3. “Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги ПФ 3619 - сон Фармони.
4. “Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 20 июндаги ПФ 3620- сон Фармони.
5. “Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 октябрдаги ПФ – 3665-сон Фармони.
6. “Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора тадбирлари тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 5 январдаги Фармони.
7. “Мева – сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш чора – тадбирлар тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 2006 йил 9 январь. // Халқ сўзи газетаси, 2006 йил 10 январь.
8. “Тадбиркорлик фаолияти юритиш учун рухсатнома турларини қисқартириш ва уларни бериш тартиб – қоидаларини соддалаштириш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 21 сентябрдаги ПҚ – 186 сон қарори.
9. “Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 июндаги ПҚ – 100 – сон қарори.

III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Бозорни истеъмол товарлари билан тўлдиришни рағбатлантириш ҳамда ишлаб чиқарувчилар ва савдо ташкилотларининг ўзаро муносабатларини такомиллаштириш чора – тадбирлари тўғрисида” ги 2002 йил 13 ноябрдаги 390 – сонли қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказишни тартибга солиш чора – тадбирлари тўғрисида” ги 2004 йил 12 августдаги 387 – сонли қарори.

IV. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

1. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. –Т.: Ўзбекистон, 2005.
2. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқи ва эркинликлари ҳамда манфатлари – энг олий қадрият. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Конститутциясининг 13 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган маърузаси. Халқ сўзи 2005, 8 декабр.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон демократик тараққиётининг янги босқичида – Т.: Ўзбекистон, 2005.
4. Каримов И.А. Ислохотлар стратегияси – мамлакатимиз иқтисодий сиёсатини юксалтиришдир. Халқ сўзи. – 2003, 18 феврал.

V. Дарслиklar, ўқув қўлланмалар, маъруза матнлари

1. Ўзбекистон иқтисодиётини либераллаштириш йилларида, 3 – қисм. Бекмуродов А.Ш., Сатторов С. Тўраев Ж., Солиев К., Рўзиев С. Кичик бизнес ва тадбиркорлик ривожини – давр талаби. - Т.: ТДИУ, 2005.
2. Ўзбекистон иқтисодиётини либераллаштириш йилларида 4-қисм
А.Бекмуродов, Р.Тожиев, Х. Қурбонов, М. Алимардонов.
Молия ва банк тизимидаги ислохотлар самараси. Тошкент, ТДИУ, 2005й
3. Муҳамедов М., Истамов Д., Ҳамроев М., Қудратов А. Тадбиркорлик иқтисодиётининг асослари. Ўқув қўлланма. Самарқанд, 1998.
4. Основы предпринимательского дела. Благородный бизнес. Под руководством и ред.д.э.н., проф. Осипова М. –М.: МГУ, 1992.
5. Предпринимательство: Учебник /Под. ред. М.Г.Лапусты. – 3-е изд., испр. и доп. М.: ИНФРА-М, 2003. – 534 с. – (Серия “Высшее образование”).
6. Ҳўжаев Э., Юнусова Р., Ражабоев Э. ва бошқалар. Тадбиркорлик ва бизнес асослари. С.: Зарафшон, 1994.
6. Чжен В.А. Ўзбекистонда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизими. Т.: Ўзбекистон, 1995.
7. С.С.Ғуломов. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. Тошкент, ТошДАУ 1998.
8. Бусыгин А.В. Предпринимательство. Основной курс. Учебник для вузов. – М.: ИНФРА-М, 1997.
9. Предпринимательство. Учебник для вузов / Под ред. проф. В.Я. Горфинкеля, проф. Г.Б. Поляка, проф. В.А. Швандара. –М.: Банки и биржи, ЮНИТИ, 1999. – 475 с.
10. Дэн Штайнхофф, Джон Баерджнес. Основы управления малым бизнесом. Перевод с англ. –М.: БИНОМ, 1997.
12. А.Абдуллаев, Қ.Муфтайдинов, Х.Айбешов. Кичик бизнесни бошқариш. Тошкент, “Молия” 2003. 192 б.

Мундарижа

Кириш	3
1-Мавзу:Тадбиркорлик моҳияти	4
2-Мавзу:Тадбиркорлик муҳити ва тадбиркорлик фаолияти субъектлари.....	11
3-Мавзу:Тадбиркорлик фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий шакллари.....	16
4-Мавзу:Кичик тадбиркорлик.....	25
5-Мавзу:Хусусий бизнесни яратиш ва ривожлантириш.....	28
6-Мавзу:Кичик бизнес фаолиятини молиявий таъминлаш.....	32
7-Мавзу:Кичик бизнесда бизнес-режалаштириш	37
8-Мавзу:Кичик бизнес тизимини бошқариш.....	40
9-Мавзу:Тадбиркорлик ташкилоти фаолиятини тўхтатиш.....	43
Хулоса.....	47
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	48

Дўсмуратов Ғанийбой Давлатбаевич

«Кичик бизнес ва тадбиркорлик»
фанидан семинар ва амалий
машғулотлар ўтказиш бўйича

(Методик қўлланма)

Мухаррир:
Мусахҳиҳ:

Нўртаева М.
Бойзоқова Д.

Босишга рухсат этилди _____

Қоғоз ўлчами 60 x 84 1/16

Ҳажми 3 б.т. 10 нусха

Буюртма № ____ ТИМИ Босмахонасида чоп этилди

Тошкент – 700000, Қори-Ниёзий кўчаси, 39 - уй